БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 41 (16.731). | 18 февраль 1977 йил, жума | Баҳоси 2 тийин.

Суратда: учрашув пайти. ТАСС—ЎзТАГ телефотоси.

Л. И. БРЕЖНЕВ социалистик мамлакатлар фанлар академияларининг раҳбарлари билан учрашди

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев 17 февраль куни Кремлда социалистик мамлакатлар фанлар академияларининг раҳбарлари билан учрашди.

Учрашувда: БХР Фанлар академиясининг президенти А. Балевски; ВХР Фанлар академияси президенти Лавозимини ижро этувчи Я. Сентаготаи; ВСР ижтимоий фанлар комитетининг раиси Нгуен Кхань Тоан; ГДР Фанлар академиясининг президенти Х. Кларе; Куба Республикаси Фанлар академиясининг президенти В. Торрес; МХР Фанлар академиясининг президенти Б. Ширендиб; ПХР Фанлар академиясининг президенти В. Тшебятовский; РСР ижтимоий ва сиёсий Фанлар академиясининг президенти М. Георгиу; РСР академиясининг вице-президенти Ш. Цицейка; СССР Фанлар академиясининг президенти А. П. Александров; СССР Фанлар академиясининг вице-президенти П. Н. Федосеев; ЧССР Фанлар академиясининг раиси Я. Кожешник қатнашдилар.

Ўртоқ А. П. Александров социалистик мамлакатлар фанлар академиялари президентларининг биринчи кенгаши қандай ўтаётганлиги тўғрисида, илмий-тадқиқот муассасалари ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ҳақида, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг олимлари бирталикда олиб бораётган ишларнинг асосий йўналишлари тўғрисида гапириб берди. У совет фанини ривожлантириш тўғрисида доимо диққат-эътибор билан ғамхўрлик қилаётганликлари учун КПСС Марказий Комитетига, Леонид Ильич Брежневга чуқур миннатдорчилик изҳор қилди.

Учрашувда Ўртоқ Л. И. Брежнев нутқ сўзлади.

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Ҳурматли ўртоқлар, аввало, сизларни сидқидилдан табриклашга ижозат бергайсизлар. Сизлар Москвада бирталикда қилган иш тўғрисида ахборот берганлиги учун Анатолий Петрович Александровга миннатдорчилик айтмоқчиман.

Партиямиз Марказий Комитети, Марказий Комитетнинг Сиёсий бюроси совет олимлари билан бошқа социалистик мамлакатларнинг олимлари ўртасида ривожланиб бораётган самарали алоқаларни, юксак қадрлайдилар. Мен бир вақтлар Венгрияга борганимда Қизил Чепель коллективи билан бўлган учрашувда социалистик мамлакатларнинг ҳамкорлиги тўғрисида гапирилганда кучларни шунчаки қўшиш эмас, балки кўпайтириш жараёни содир бўлаётганлиги тўғрисида гапирган эдим. Бу гап илмий алоқаларга ҳам тўла-тўкис тааллуқлидир. Бу соҳада илм-фаннинг жуда катта имкониятларидан, фан-техника революцияси ютуқларидан социалистик ва коммунистик қурилиш манфаатлари йўлида рационал фойдаланиш имконини берадиган энг кенг, энг мустаҳкам ҳамкорлик бўлиши жуда муҳимдир.

Илмий приборсозликни ривожлантириш тўғрисида, илмий экспериментларни автоматлаштириш соҳасидаги ҳамкорликни такомиллаштириш ҳақида сизлар қабул қилган қарорлар илм-фанга ҳам, халқ хўжалигига ҳам катта наф беришига шубҳаланмайман.

Ўз мамлакатларини идора қилувчи коммунистик ва ишчи партияларнинг бўлиб ўтган съездлари катта миқёсдаги вазифаларни ҳал этишни қун тартибига қўйди. Анатолий Петрович бу ерда ана шуни эслатиб ўтди. Аслида барча қардош социалистик мамлакатлар ҳозирги вақтда бутун диққат-эътиборни ишлаб чиқариш самарадорлиги ва маҳсулот сифатини оширишга қаратмоқдалар. Шунинг ўзиёқ илм-фаннинг жамият ҳаётидаги, капиталистик жамиятга нисбатан юқори ижтимоий меҳнат унумдорлигига эришиш юзасидан В. И. Ленин ўртага қўйган тарихий вазифани бажаришдаги роли ошиб бораётганлигини белгилаб беради.

Партиямиз Марказий Комитети совет фанини ривожлантиришга доимий эътибор бераётганлигини таъкидлаб ўтмоқчиман. Ҳали яқиндагина партия Марказий Комитетининг секретариати Украина ССР Фанлар академиясининг ва СССР Фанлар академияси Сибирь бўлимининг ишини батафсил муҳокама қилди. Айни уларнинг иши муҳокама учун танлаб олинганлиги тасодиф эмас эди. Уларнинг ҳар иккаласи бошқалар учун аҳамиятга эга бўлган муайян тажриба орттирган.

Украина ССР Фанлар академияси ва Фанлар академиясининг Сибирь бўлими иши муҳокамасини яна эсга олиб, шуни таъкидлаб ўтмоқчиманки, партиямиз Марказий Комитети ўз қарорларида украиналиклар билан сибирликларнинг тажрибасини маъқуллаб ва қўллаб-қувватлаб, илм-фанни чиндан ҳам бевосита ишлаб чиқарувчи кучга айлантириш тўғрисида доимий ғамхўрлик қилиш муҳимлигини уқтирди. КПСС Марказий Комитети фан-техника тараққиёти вазифаларини ҳал этиш, илмий-тадқиқотларни энг актуал проблемаларга жамлаш ишини кучайтиришни талаб қилди.

Мамлакатимизнинг илмий потенциали жуда катта. Анатолий Петрович сизларга мамлакатимизда илм-фанга қанча маблағ сарфланаётганлигини, эҳтимол айтгандир. Бу харажатлар ҳақиқатан ҳам кўпайиб ва тез ортиб бормоқда. Аммо, назаримда, бу ўринда «харажатлар» сўзи унчалик аниқ бўлмаса керак, чунки ҳақиқий олимларнинг иши тўғрисида, чинакам илмий ва халқ хўжалик аҳамиятига молик проблемаларни тадқиқ этиш ҳақида гап борганида давлат билан жамият сарфлаган ҳар сўм, форинт ёки крона эвазига анча катта самара олинмоқда.

Илм-фанга фақат моддий кўрсаткичлар билангина баҳо бериш нотўғри бўлур эди, албатта. Илм-фан илмий, яъни марксча-ленинча дунёқарашни шакллантиришда катта роль ўйнайди, унинг муҳим идеологик жиҳатлари бор. Бинобарин, сизларнинг учрашувингизда ижтимоий фанлар соҳасидаги ҳамкорликни ҳам чуқурлаштириш масалалари муҳокама қилинганлиги кишини мамнун этади.

Илмий ёндашиш халқ хўжалигини бошқариш, давлатни идора қилиш проблемаларини тўғри ҳал этиш учун, шунингдек ҳам ички, ҳам ташқи сиёсат йўналишларини ишлаб чиқиш учун маъбурий талаб эканлигини ҳамиша эсда тутиш керак.

Социалистик дунё гўрқираб ривожланмоқда ва социалистик мамлакатларнинг реал воқелиги илмий фикрлаш учун мўл-кўл озиқ беради. Давлатларнинг катта бир группасида социалистик қурилишни ғоят хилма-хил шароитларда амалга ошириш пайтида социалистик ривожланишнинг бизнинг мамлакатимиз тажрибасида биринчи бор намоён бўлган умумий қонуниятлари жуда яққол тасдиқланаётганлиги маълум. Аммо, мен социализм ва коммунизм қурилишининг умумий қонуниятлари тўғрисидаги тасаввурнинг ўзи тажриба ортган сари тобора чуқурлашиб, кўп қирралари бўлиб бораверишини таъкидлаб ўтмоқчиман. Бунинг устига турмушда марксизм-ленинизм позицияларида туриб илмий идрок қилиш лозим бўлган янги ҳодисалар, янги жараёнлар доимо вужудга келиб туради. Маълумки, Узаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг XXX сессиясида муайян соҳалардаги узоқ муддатли программаларни ишлаб чиқиш тўғрисида якдиллик билан бир фикрга келинди. Социалистик мамлакатлар ўртасидаги ўзаро алоқаларни бундай чуқурлаштириш бирталай янги масалаларни кўтаради, шу пайтгача мутлақо ҳал этилмаган янгидан-янги проблемаларни олдимизга қўяди.

Халқ хўжалигининг энг мақбул структурасини шакллантириш проблемалари ҳам; бир қанча социалистик давлатлар ишлаб чиқаришининг энг асосий тармоқлари миқёсидаги ихтисослаштириш ва кооперациялаш, ишлаб чиқарувчи кучларни рационал жойлаштириш проблемалари ҳам: ўз фаолиятларининг ҳуқуқий ва иқтисодий нормалари ишлаб чиқилишини талаб қиладиган халқаро социалистик қўшма ишлаб чиқаришларни вужудга келтириш проблемалари ҳам шулар жумласига киради.

Хуллас, бу соҳадаги масалалар жуда кўп ва бу масалаларга жавоб беришда чуқур марксча-ленинча илмий тадқиқотлар кўп жиҳатдан ёрдам бериши лозим.

Социалистик давлатларнинг иқтисодий ривожланиш даражаларини бир-бирига тенглаштириш проблемасини олиб кўрайлик. Бу проблема социалистик ҳамдўстлик доирасида амалий равишда ҳал этилмоқда. Бу проблема катта сиёсий ва илмий эътиборга ҳам сазовор эканлигини ўзларингиз тушунасиз.

Буларнинг ҳаммаси социалистик давлатларни бир-бирига яқинлаштиришнинг ҳозир социалистик дунё ривожидаги қонуният сифатида намоён бўлаётган кенг миқёсдаги, кўп қиррали жараёнидан олинган айрим мисоллардир, холос.

Бу жараённи сунъий равишда жадаллаштириш, шошма-шошарлик қилиш, қистовга олиш нотўғри иш бўлиши биз учун ўз-ўзидан равшан. Аммо, уни тўхтатиб қолиш, унга халақит бериш ҳам хато бўлур эди. Ҳаҳон социализм системаси ривожининг ана шу жараённи ва бошқа кўпгина проблемаларини атрофлича тадқиқ этиш зарурати социалистик мамлакатлар илмий кучларининг яхши ҳамкорлигини талаб қиладӣ.

Сизлар билан учрашган пайтда социалистик мамлакатларнинг олимлари инсониятнинг социал тараққиёти ишида ўзлари ўйнаётган роль билан ҳақли равишда фахрланишлари тўғрисида гапирмай ўта олмайман. Бу юксак роль сизларнинг бевосита ишингиз билан, социалистик давлатларнинг экономикаси ва маданияти учун, уларнинг мудофаа қобилятини мустаҳкамлаш учун ғоят катта аҳамиятга эга бўлган ишингиз билан боғланган.

Бу роль социалистик мамлакатлар олимларининг ҳозирги даврда инсоният олдида пайдо бўлган жаҳоншумул проблемаларни ҳал этишдаги актив иштирокидан келиб чиқади. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш, энергетика проблемаларини ҳал этиш, инсоннятни энг хатарли касалликлардан халос қилиш ва шу кабилар тўғрисида гап борганида шундай бўлмоқда.

Ниҳоят, бу нарса социалистик мамлакатлар олимларининг тинчликни мустаҳкамлаш, ядро уруши хавфини тугатиш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш учун қурашдаги актив ва фаол иштироки билан белгиланади, албатта. Социализм мамлакатларининг олимлари социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари ўтказаётган тинчликсевар ташқи сиёсатни амалий равишда қўллаб-қувватлаётганликлари, бутун дунё олимларининг куч-ғайратларини ер юзидаги барча халқларнинг мустаҳкам тинч келажаги йўлида бирлаштириш учун сабот билан ҳаракат қилаётганлиги факти бизни мамнун этади.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси бундан олтмиш йил муқаддам тинчлик байроғини, эркин меҳнат байроғини баланд кўтарди. Шу байроқ остида кўпгина шонли галабаларга эришилди. Бинобарин, Улуғ Октябрнинг шонли йиллигига социалистик мамлакатларнинг халқлари маҳкам жипслашиб ҳозирлик кўраётганликлари, ҳамкорлигимиз ҳамма соҳаларда, шу жумладан, илм-фан соҳасида ҳам тобора интенсив тус олаётганлиги бизни қувонтиради ва илҳомлантиради.

Мен фанни ривожлантириш билан боғлиқ энг муҳим жиҳатлар устидагина тўхталиб ўтдим. Фанни ривожлантиришнинг ҳамма соҳалари ҳақида гапириш қийин, албатта.

Пировардида, азиз ўртоқлар, сизларнинг ҳаммангизга ишингизда катта ижодий муваффақиятлар тилаб, социалистик мамлакатлар фанлар академияларининг ҳамкорлиги тинчлик ва социализм манфаатларига, бутун инсоният манфаатларига хизмат қиладиган янги илмий кашфиётларга олиб келади, деб ишонч билдирмоқчиман.

Эътиборингиз учун ташаккур.

* * *

Ўртоқ Л. И. Брежнев нутқи зўр эътибор билан тингланди ва қарсаклар билан кутиб олинди.

Учрашувда ҳозир бўлганлар номидан БХР Фанлар академиясининг президенти А. Балевски гапириб, илм-фаннинг вазифалари, социалистик ва коммунистик бунёдкорликда илм-фаннинг роли тўғрисида ниҳоятда мазмунли суҳбати учун Леонид Ильичга Брежневга самимий миннатдорчилик билдирди. У социалистик мамлакатлар фанлар академиялари президентларининг Москвадаги кенгаши ажойиб қардошларча ҳамкорлик — мақсад ва идеаллар бирлиги билан бирлашган кишилар ва халқлар ҳамкорлигини кенгайтириш, чуқурлаштириш ва мустаҳкамлашга қўшилган ҳиссадир, деб таъкидлади. Бизнинг академияларимиз, деди А. Балевски, ўз халқи олдидаги, социализм олдидаги, мамлакатларимизнинг келажаги, бутун инсоннятнинг келажаги йўлидаги бурчи ва масъулиятини чуқур тушунади.

Ўртоқ Л. И. Брежнев суҳбатни тугатаётиб, қардош мамлакатларнинг раҳбарларига, социалистик давлатларнинг олимларига самимий салом айтди ҳамда уларга коммунистик ва ишчи партияларининг съездлари қўйган вазифаларни ҳал этишда катта муваффақиятлар тилади.

Учрашувда КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчилари К. В. Русаков ва А. М. Александров, КПСС Марказий Комитети фан ва ўқув юртлари бўлими мудирининг биринчи ўринбосари С. Г. Шчербаков қатнашдилар. (ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети «Каршистрой» бошқармасининг коллективлари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги шарафига уйсозлик комбинатини, ёғочсозлик заводи, керамзит заводи ва 2-темир-бетон буюмлар заводини барвақт ишга туширишдан социалистик мусобақани авж олдираётганликлари тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

Қабул қилинган қарорда айтиладики, партиянинг XXIV ва XXV съездлари қарорларига мувофиқ Қарши даштида қўриқ ерларни комплекс ўзлаштириш кенг кўламда авж олдириб юборилди.

Қўриқ ерлар ўзлаштирила бошлаганидан бери 91,6 минг гектар суғорма ер тайёрланди, 667 минг квадрат метр уй-жой, кўплаб ишлаб чиқариш ва маданий-маиший объектлар фойдаланишга топширилди.

Қўриқ ерларда 22 та пахтачилик совхози барпо этилган бўлиб, шу совхозлар 200 минг тоннадан кўпроқ пахта, 15 минг тонна дон, 16 минг тонна сабзавот, 10,9 минг тонна полиз маҳсулотлари ва бошқа кўплаб қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириб, давлатга топширдилар.

Учинчи беш йилликда «Каршистрой» бошқармасининг қурувчилари 836 миллион сўм капитал маблағни ўзлаштиришлари, 110 минг гектар янги ерларни деҳқончиликка топширишлари, 621 минг квадрат метр уй-жой ҳамда бошқа ишлаб чиқариш ва маданий-маиший объектларни фойдаланишга топширишлари лозим.

Шу билан бирга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Қарши даштини комплекс ўзлаштириш ишида йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни, сув хўжалиги қурилиши билан совхоз қурилиши ўртасида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши самарадорлигини пасайтирувчи номувофиқлик бўлаётганлигини кўрсатиб ўтди.

Қарши шаҳрида қурилаётган граждан иншоотлари учун қуввати 563 минг куб метр йиғма темир-бетон маҳсулот ва керамзит-бетон панель тайёрлаб берувчи бинокорлик материаллари ва конструкциялари комбинати ерларни комплекс ўзлаштириш суръатларини жадаллаштириш имконини беради.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш, ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисида»ги қароридан руҳланган комбинат қурилишининг ҳамма қатнашчилари қурилиш индустриясининг шу муҳим объектига алоҳида эътибор бериб, зиммаларига оширилган социалистик мажбуриятлар олдилар.

Рўзи Мустафоқулов, Мейли Ҳакимов, Муродулла Эльбеков бошлиқ илғор комплекс бригадалар, Анатолий Панкевич, Резико Месхи бошлиқ монтажчилар бригадалари ўнинчи беш йиллик тўрт йили топшириқларини 1977 йилнинг 7 ноябригача бажариш мажбуриятини олдилар.

4-механизациялашган кўчма колоннанинг, «Каршистрой» бошқармасига қарашли бошқа қурилиш ва монтаж бўлинмаларининг меҳнат коллективлари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириб, комбинат ишлаб чиқариш қувватларини муддатидан илгари фойдаланишга топириш мажбуриятини олдилар: керамзит ишлаб чиқарадиган завод 1977 йилнинг 5 апрелигача, 2-темир-бетон буюмлари заводининг учта пролёти 1 майгача, уйсозлик комбинатининг битта поток линияси ва ёғочсозлик заводининг бутун комплекси 1 июнигача фойдаланишга топширилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қурилиш ва монтаж — ташкилотлари, илғор бригадалар коллективларинг, қурилиш ҳамма қатнашчиларининг, Қарши бинокорлик материаллари комбинатининг ишлаб чиқариш қувватларини муддатидан илгари фойдаланишга топириш борасидаги тадбирларини маъқуллади.

Маҳаллий партия, совет, касаба союз ва ҳўжалик органларининг диққат-эътиборини бинокорлик материаллари комбинати ишлаб чиқариш қувватларини муддатидан илгари ишга тушириш юзасидан эммага олинган мажбуриятлар муваффақиятли бажарилиши учун социалистик мусобақани ҳамма чоралар билан авж олдиришга қаратиш зарур деб топилди. Беш йиллик тўрт йили топшириқларини Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги байрами кунигача бажариш мажбуриятини олган ишчилар бригадалари илғор коллективларининг ташаббуслари кенг қўллаб-қувватлансин ва ривожлантирилсин.

Мусобақадошларнинг диққат-эътибори иш сифати ва меҳнат унумдорлигини оширишга, механизм ва машинаускуналардан фойдаланишни яхшилашга, бекор туриб қолишни тугатиш ва иқтисодий тежамкорликка қатъий риоя этиш, моддий ресурслардан самарали фойдаланишга қаратилсин.

Зиммага олинган мажбуриятлар муваффақиятли бажарилиши учун пухта гарантия яратилсин, социалистик мусобақа якунларини чиқариб туриш практикаси яхшилансин, мусобақа якунлари ошкора бўлиши таъминлансин, мусобақадошларни маънавий ва моддий рағбатлантириш йўлларини такомиллаштиришнинг конкрет тадбирлари ишлаб чиқилсин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети «Главсредазирсовхозстрой» зиммасига комбинатнинг қурилаётган объектларини қабул қилинган социалистик мажбуриятлар сўзсиз бажарилишини таъминлайдиган муддатларда бинокорлик материаллари, металл конструкциялар ностандарт ва технологик ускуналар билан узлуксиз таъминлаб туриш мажбуриятини юклади.

Республика газеталарининг редакцияларига Қарши бинокорлик материаллари комбинати қурилиши қандай бораётганлигини кенг ёритиш таклиф этилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети «Каршистрой» партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, ҳамма ишчилари, инженер-техник ходимлари шонли воқеа — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигига тайёргарлик кўриб, Қарши бинокорлик материаллари ва конструкциялари комбинатининг объектлари муддатидан илгари ишга туширилиши учун социалистик мусобақани янада кенг қулоч ёйдирадилар ва шу тариқа КПССнинг XXIV ва XXV съездларида белгиланган программани — ипак пахта навлари етиштирадиган янги пахтачилик райони барпо этиш программасини амалга оширишга муносиб ҳисса қўшадилар, деб ишонч билдирди.

КУБА РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЭСДАЛИК МЕДАЛИ ТОПШИРИЛДИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов 17 февраль куни Куба Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Куба Республикасининг Совет Иттифоқидаги элчиси Северо Агирре дель Кристони қабул қилди.

Қардошларча дўстлик вазиятида ўтган суҳбат чоғида элчи республика партия ташкилотининг КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошириш соҳасида олиб бораётган ишлари билан, Ўзбекистон меҳнаткашлари ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун курашда эришаётган муваффақиятлар билан танишдилар. Барча совет кишилари сингари Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам муваффақиятли равишда социалистик жамият қураётган қаҳрамон Куба халқига нисбатан самимий хайрихоҳлик ҳис-туйғуларини изҳор этаётганликлари, Совет—Куба ҳамкорлигини доимо мустаҳкамлаш ва ривожлантиришни ўзларининг ватанпарварлик, интернационал бурчлари деб ҳисоблаётганликлари таъкидлаб ўтилди.

Северо Агирре дель Кристо ўз навбатида Озодлик оролида социалистик қурилиш қандай бораётганлиги ҳақида гапириб берди. У совет кишилари, шу жумладан Ўзбекистон меҳнаткашлари Куба халқига бераётган ёрдамни юксак баҳолади.

Элчи Куба Компартияси Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси ва революцион ҳукумат топшириғига биноан Ш. Р. Рашидовга «XX йиллик» эсдалик медалини топширди. Ш. Р. Рашидов бу медалга Кубада социализм қурилишида ғоят фаол қатнашганлиги учун сазовор бўлган эди. Бу эсдалик медали Куба революциясига асос солган Монкадо казармасини штурм қилишнинг 20 йиллигини нишонлаш юзасидан таъсис этилган эди.

Ш. Р. Рашидов юксак мукофот учун Куба Компартияси Марказий Комитетининг Сиёсий бюросига ва Куба Республикаси революцион ҳукуматига самимий миннатдорчилик изҳор этди.

Суҳбатда ва эсдалик медалини топшириш маросимида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва бюро аъзолигига кандидатлар И. Г. Анисимкин, Л. И. Греков, Н. М. Матчонов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, А. А. Ҳўжаев, Э. Б. Нордман, Г. М. Орлов, С. У. Султонова иштирок этдилар.

* * *

Куба Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Куба Республикасининг Совет Иттифоқидаги элчиси Северо Агирре дель Кристо Тошкентда бўлган чоғида В. И. Ленин Марказий музейининг филиалини бориб кўрди, республика пойтахтининг диққатга сазовор жойлари билан, унинг янги қурилишлари билан танишди.

(ЎзТАГ).

КАСАБА СОЮЗ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИДА

Тошкент области меҳнаткашларидан 90 мингдан кўпроқ киши шахсий беш йиллик планнинг уч йил, тўрт ярим йилда бажариш мажбуриятини олди. Тошкент область касаба союзларининг 17 февралда бўлиб ўтган союзлараро конференциясида шу ҳақда маълум қилинди.

Конференцияда меҳнаткашлар коллективлари, касаба союз ташкилотларининг партия XXV съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1976 йил октябрь Пленуми қарорларини рўёбга чиқариш борасида амалга ошираётган катта ишлари тўғрисида гапирилди. КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги тўғрисида»ги қарори область меҳнаткашларининг меҳнат ғайратини янада жўш урдириб юборди. Сўзга чиққан нотиқлар касаба союз ташкилотлари ишини, айниқса социалистик мусобақага раҳбарликни янада такомиллаштиришга қаратилган амалий таклифлар айтдилар.

Конференция қатнашчилари область касаба союз ташкилоти раҳбар органларининг янги составини, Ўзбекистон касаба союзларининг XI съездига ва СССР Касаба союзларининг XVI съездига делегатлар сайладилар.

Конференция ишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари Л. И. Греков, Н. М. Матчонов, М. М. Мусахонов, А. А. Ҳўжаев, Ўзбекистон Касаба союзлари республика Советининг Раиси М. А. Зоидов, ВЦСПС бўлимининг мудири В. Е. Сергеев қатнашдилар.

* * *

Ўзбекистоннинг ҳамма областларида ва Қорақалпоғистон АССРда касаба союзларининг тармоқлараро конференциялари бўлиб ўтди. Конференция қатнашчилари республика меҳнаткашлари КПССнинг XXV съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1976 йил октябрь Пленуми тарихий қарорларини амалга оширишга республика меҳнаткашлари КПССнинг XXV съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1976 йил октябрь Пленуми тарихий қарорларини амалга оширишга кучайтиришга сарфлайдилар, умумхалқ социалистик мусобақаси байроғини янада баланд кўтарадилар ва Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини меҳнатда катта ғалабалар билан кутиб оладилар, деб ишонч билдирдилар.

(ЎзТАГ).

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

АНДИЖОН, 17 февраль. (ЎзТАГ). Бугун бу ерда Андижон область партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети У пленуми талаблари асосида бошқаришни такомиллаштириш ва саноатда ҳамда қурилишда план интизомини мустаҳкамлаш соҳасида область партия ташкилоти олдида турган вазифалар муҳокама қилинди. Бу тўғрида область партия комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаевнинг доклади тингланди.

Пленум педагогик кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш ишларининг аҳволи ҳамда уни яхшилаш тадбирлари тўғрисидаги масалани ҳам қараб чиқди.

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

СССР Министрлар Совети 1977 йил 5 март шанбадаги дам олиш кунини 7 март душанбага кўчиришга қарор қилди.



Суратда: Тошкентдаги кўнгалантерия фабрикасининг пешқадам ишчилари (чапдан ўнгга) Сайёра Қўчқорова, Шоҳра Бекматова, Ҳайриниса Дўстхўжаева Гулчеҳра Ёқубжонова. Улар Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига муносиб меҳнат туҳфаларни тайёрлаш учун бошланган мусобақада фаол иштирок этиб, ҳар сменада планга қўшимча маҳсулот тайёрлашга эришмоқдалар.

А. Тўраев фотолари.

КОММУНИСТЛАР ИШ БОШИДА

ИСТИҚБОЛ ШУЪЛАЛАРИ

ОЧЕРК

Наманган шаҳри қайта қурилмоқда. Сербар, гўзал... Ҳар баҳор тоғлардан келувчи даҳшатли селлар суронидан ўпирилиб, нураб кетувчи ночор кўприклар ўрнида темир-бетон кўприклар. Шаҳар марказидаги эгри-бугри чанг кўчалар ўрнида ораста ҳиёбонлар, сайрғоҳлар. Ишчи қурган биноларда бахтли замондошларимиз яшайди, ижод қилади, гўзалликлар ҳақида бош қотиради. Тоза, равон, ораста кўчалардан ўтиб, чинорлар соясидаги чойхоналарда нуроний отахонларнинг сербаҳс гуруҳларига ҳавасингиз келади. Заҳ оламизу ҳамиша ҳам уларни яратган ким деб сўрамаймиз. Яратувчи ҳам ижодкор. Бугунги Наманган таниб бўлмас даражада чирой касб этди. Эски, пахса деворли маҳалла ўрнида бу кун ҳавас қилса, қаламга олса арзигулик театр майдонини кўрдик. Область партия комитетининг маъмурий бинои, монумент, боғ, майдонлари, аллеялар. Шаҳар ўртасидаги соҳ атрофи — оромгоҳга айланган. Ҳар йил баҳор чоғи бензинликдан шаҳарни хавфга солиб ётган Наманган сойи кўприги ўрнида мустаҳкам кўприк қурилди. Сел офатини, тўлқинлар бешигини елкаси билан тираб турган уч ҳаҳодирнинг рамзий ҳайкали халқ жасоратига ёдгорликдай савлат тўкиб турибди. Шаҳар айланиб юриб, ажойиб гул дўконига кириб қолдик. Икки қаватли бу бинода худди эртаклардагидек олтин балиқлар, антиқа қушларнинг жуда кўп хиллари мавжуд. Анвойи гуллар, кўчатлари Ботуми, Сухуми тарафлардан олиб келинган дейишди. Наманган кўчаларида эгри-бугри дарахтлар ўсиб турарди. Ҳозир улар ўрнида шаҳарда субтропик ўсимликлар, липа, чинорларнинг ажойиб турлари пайдо бўлди. Албатта булар шунчаки кўргазма учун эмас — «одамлар яхши ҳордиқ чиқарсин, истироҳат қилсин», — дейди ижроком раиси. Кўчаларда, ҳовли ўяларида гул бўлсин. Одамлар кўнглига гул сигсин.

Ўйлаймизки, буларнинг ҳаммаси элни севган, юртни севган, маърифатни севган кишиларнинг иши. «Ижроком бува омон бўлсин» — дейишади Наманган кексалари ҳамиша. Ижроком бува — Қодиржон Мамарасуловнинг ўзи ёш, лекин эл орасида у шаҳар оқсоқоли, шаҳарликлар буваси бўлиб танилган. Ёмони, албатта яхши. Ҳар ким ҳам эл назарига кирсам, деб орзу қилади. Одамга эл назаридан улуғроқ иқтидор, обрў борми? Йилларнинг ҳам, одамларнинг ҳам шаҳарларнинг ҳам ўз таржимаи ҳоли бўлади, дейдилар. Наманган шаҳри таржимаи ҳолига ифтихор ҳисси билан ёзиб қўйса арзигулик ўзгаришлар рўй берди. Одамлар биографиясида катта маданий юксалиш, шаҳар биографиясида ҳам худди шундай. Бир даре ўзанидан юзлаб маҳаллалар, боғ-роғлар, қир-яйловлар сув ичади, баҳра олади, дейдилар. Бир одамнинг ҳайрли ишлари, жонбозлиги, фидойилигидан ҳам шаҳар истиқболида, одамлар турмушида юксалишлар рўй бериши мумкин экан.

Ишчи бетон қоради. У оддий бетон эмас, муаззам биноларга ғишт теради. Демакки шаҳар яратди, тарих яратди. Архитектор бу қурилишга ўз санъати билан ҳисса қўшади.

Қодиржон аканинг ўзи ҳам асли қурувчилик техникумининг энергетика бўлимини тамомлаган. Сўнгра институтни тамомлади. Демак унинг қурувчиликдан хабари бор. У дастлаб «энергокомбинат»да оддий ходим бўлиб ишлади. 1957 йили КПСС сафига кирди. Унга бош инженерлик вазифасини ишонб топширдилар. 1957 йили шаҳар совети ижроия комитетининг депутатлигига сайланди. ГОЭЛРОнинг 50 йиллиги муносабати билан у Бутуниттифоқ электрлаштириш министрлигининг «Аълочи энергетик» значоги билан тақдирланди. «Ҳурмат Белгиси», Меҳнат Қизил Байроқ орденлари ва қатор медаллар билан мукофотланди. 1971 йилдан буён Наманган шаҳар партия комитетининг аъзоси. Шу йили уни шаҳар ижроия комитети раислигига сайладилар. Қодиржон ака ўз фаолиятини ҳайрли ишлардан бошлади.

— Наманган Фарғона водийсида энг гўзал оромгоҳ шаҳарлардан бирига айланиши керак, деб вазифа қўйди у ўз олдига. Унинг қабулига иш билан борганларнинг мушкули тез осон бўлаверди. Ижроком раисининг ширин муомиласи, одампарварлигидан севиниб гапирувчилар кўпайиб борди.

Ижроком буванинг суҳбатида бўлган одам беихтиёр кўлига қоғоз, қалам олади. Нега? Бу ҳайрли орзулар, саҳоватли ишлар, улкан режаларни тинглаб лоқайд қололмайди киши. Меҳнатдан обрў топган бу одам, эл-юрт ташвиши, ғамхўрлиги билан яна меҳнат қилмоқда, бунёд этмоқда.

Ботқоқ кўчалардан бирининг ўрнида тиклинган фонтан биллур зарраларини таратиб отилиб турибди. Фонтан ер шари шаклида. Олди кенг, сўлим ҳиёбон. Фонтан 60 тоннали тош устига ўрнатилган. Қизиқ-а? Ботқоқ ўрнида биллурий фонтан. Унинг яратилиш тарихи ҳам ғалати. Ижроком бува шу ботқоқ жойдан ҳар ўтганида юраги сиқиларди. Ўйлай-ўйлай у маҳалла аҳлига маслаҳат солди. Жамоатчилик асосида тошкесар Фарҳодлар ҳам топилди. Чоркесар тогидан 60 тоннали тош олиб келинди. 300 метрли масофада сув каналдан олиниб, яна каналга ташланадиган «Ер шари» фаввораси ана шундай битказилди. Ижроком бува Фарҳодлар сафида тош қазиди, замбил кўтарди. Маҳалла кексаларининг ҳикоя қилишича у баъзи кунлари ҳатто суткалаб қурилиш тепасидан кетмай, ҳашарга қатнашди. Қарияларнинг 2 қаватли замонавий чойхонасида чолларнинг оқшомларда навоийхонлик қилиб ўтиришганини кўриб тўлқинланиб кетдик. Маърифатпарвар Ижроком бувага ҳурматимиз ортди. Мана унинг гаплари:

— Шаҳарни шахмат доскасидай тартибли, бежирим қуриш керак. Кўча очиш, йўлкалар чиқариш керак. Негаки, ҳар қандай олий маданият ҳам шу йўлкалардан бошланади.

— Нега энди?

— Йўлкалар лой бўлса, одамларда кайфият ҳам шунга яраша бўлади, одамлар этик кийишга мажбур бўладилар. Агар йўлкалар тоза бўлса, одамлар яхши кийинади. Тоза, ораста йўлкаларга одамлар ҳам қоғоз, папирос қолдиғини ташламайди... Ярқираб турган йўлкалардан одам енгил одим ташлайди, кайф ҳам хуш бўлади, йўли ҳам равон йўлкалардан одим ташлаб ўтиб бораётган ишчи ҳаёлида кашфиётлар туғилиши мумкин, ҳатто. Чунки аксари эзгу, осуда ҳаёллар йўлларда одам кўнглига меҳмон бўлади. Ораста йўллардан гулзорлар бўйлаб ўтиб борганнингда айниқса ширин ҳаёллар туғилади кишида.

Ижроком буванинг столи устида гулчиликка оид, ўсимлишуносликка оид, ҳатто шеъриятга оид китоблар турибди. Улар шунчаки турибдими? Йўқ. Варақлари орасига белгили кўрсаткичлар қўйилган бу китобларни мутолаа қилишга раис бува вақт топади доим.

Шаҳарнинг микрорайонида 40 минг киши яшаяпти. Улар учун касалхона, кафе, чойхоналар, алоҳида дам олиш зоналари қуриляпти. Микрорайон чор атрофидан чинорлар билан ўралган. Шаҳар билан микрорайон ўртасида Дўстлик проспекти барпо этилган. Бу проспект атрофига 1050 туп чинор ўтқазилган. Шу чинорлар базасида «Мингчинор» массиви ҳам барпо бўлди. Ижроком бува қайси шаҳарга борса албатта бирор нима ўрганиб қайтади. Наманганнинг жамоли, истиқболи учун ўша яхшиликни татбиқ этади. Наманган сойи соҳилларидаги 40 чинор чойхонасига ҳатто Фарғона водийси. Андижондан одамлар келиб ҳордиқ чиқаришади. Одамлар, одамлар... Улар учун кинотеатрлар, маданий, маиший иншоотлар қуриш устида бош қотириб ўтирган ижроком буванинг кундалик дафтарида неча-неча ҳайрли ишлар навбат кутиб турибди. Бундай қараганда Наманган шаҳри қурилиш майдончасига айланган. Гагарин кўчасида жуда катта ишлар олиб бориляпти. Кўп кўчалар қайта қуриляпти. Шаҳарнинг кун чиқар томонидан санъат саройи, янги автобус станцияси, 7 та темир бетон кўприклари, янги меъморлар ҳиёбони. Беруний проспекти, китоб дўконлари... Буларнинг кўпи ҳашарчилик йўли билан амалга ошириляпти. Одамларни ўз орқасидан эргаштирилган, уларга куч-ғайрат бахш эта оладиган, энг муҳими умумхалқ ҳашарига бошчилик қилиш салоҳиятига эга бўлган камтарин инсон ижроком бувага биз ҳам бир савол бердик.

— Хотин-қизлар ташвиши ёдингиздан чиқиб қолмаяптими?

— Абдулла Қаҳҳорнинг «Тешик дастурхон» мақоласи ёдингиздами, — қарши савол бериб қолди у бизга. Наманганнинг хотин-қизлари оппоқ дастурхонга ўралиб юрардилар-да, ахир. Ёзувчимиз боплаб ҳажв қилган. Ҳажв қилганда ҳам тарихда қоладиган қилиб боплаган. «Тешик дастурхон» наманганликларнинг ёдида бир умр сақланиб қолади. «Тешик дастурхон»га бутунлай қарама-қарши «Гўзаллик» салони иш бошлади. Наманган хотин-қизлари ҳозир оқ дастурхонлар ўрнига чиройли соч турмакларни қилиб юришади.

Ижроком буванинг ўзи энергетик, қурувчи, лекин у шоирга ҳам, гулчига ҳам, олимга, лойиҳачига ҳам ўхшаб кетади. У ариқдаги сувнинг тўлиб оқишига қаноат қилмайди. Тўлқинланиб оқишини истайди. У янги кўчаларнинг очилишига қаноат ҳосил қилмайди, кўчалар гавжум бўлишини истайди. Чинорлар остида гурунг бўлсин, давра сер бахс, файзли бўлсин дейди.

Наманганнинг ҳозирги ҳуснжамоли — қурилиш лойиҳаси — шоир юраги, меъмор нигоҳи, олимнинг тадбиркорлиги, қурувчининг ғайрати билан чизилгани учун ҳам иттифоқимизнинг барча шаҳарлари лойиҳаси конкурсида биринчиликни олди. Ижроком буванинг айтишича келгуси беш йилликда Наманганнинг ўз курант соати, шоирлар ҳиёбони бўлади. Шаҳарнинг 17 кўчаси худди нилуфар япроғларидай бир ерга келиб туташадилар. Наманганликлар 9 қаватли биноларга кўчиб ўтадилар. Интурист меҳмонхонаси, Наманган дengизи қурилади.

Мана, Наманган узра оқшом қўнади. Сўнг тун пардасини ёяди. Аста-секин кўп қаватли биноларда чироқлар ўча бошлайди. Ижроком бува ўз хонасида уйғоқ. У кундалик дафтаридан алланималарни чизиб, сўнг чизиқ тортиб ўчиради, алланималарни қайтадан ёзади. Бу ёзувлар шунчаки ёзувлар эмас, улар эгилажак гуллар, очилажак кўчалар, қуриладжак биноларга, кўприклар, ҳиёбонлар, оромгоҳлардир.

У ёзувлар қоғозда қолиб кетмайди. У ёзувлар худди тўлқинланиб оқаётган сойлардек одамлар қаётига кириб боради. Нурлардек хоналарда чарақлаб ёруғ сочади. Чунки бу ёзувлар эл, юрт, одамлар тақдиридан, шаҳарлар истиқболидан сўзлагувчи ёзувлардир. Эртанги ишларингизга барака, ҳорманг, ижроком бува!

Эътибор ОХУНОВА.

ШАҲАР ҚИШЛОҚҚА

ЯНГИ КОРХОНАНИНГ МАҲСУЛОТИ

Яқинда Қашқадарёда янги корхона — керамзит-бетон заводи ишга туширилди. Бу корхона қурилиш материалларни ва конструкциялар комбинати составидаги йирик қурилиш материаллар манбаи ҳисобланади.

Янги заводнинг ишга тушкирилиши шу беш йиллик мобайнида Қарши даштида уй-жой қурилиши суръатини деярли икки баравар кенгайтириш имкониятини беради. Бу ерда ҳар йили 165 минг кубометр ҳажмда керамзит-бетон ишлаб чиқарилади. Бу эса қўрқ ерлардаги уй-жой қурилиши учун асосий материал ҳисобланади.

Керамзит аралаштирилган бетон блоклар ўзининг кўп хусусиятлари билан оддий бетондан фарқ қилади. Биринчидан, у одатдаги бетондан бир ярим баравар енгилроқдир. Иккинчидан керамзит бетондан монтаж қилинган уйлар аввало, ёзнинг жазирама пайтларида ҳам ҳароратни уй ичига ўтказмайди, қишда эса совуққа ишончли тўсиқ бўлади.

Янги заводнинг улкан цехларида Ватанимизнинг фани ва техникаси эришган сўнгги ютуқлар кенг қўлланилган.

Шу кунларда завод коллективи Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, кўплаб керамзит бетонлар ишлаб чиқариш учун астойдил киришиб кетдилар. Янги завод маҳсулоти Қарши дашти бағрида юксаладиган янги уй-жой биноларни ва бошқа қурилишларнинг тез ва соз бунёд этилишига катта ҳисса қўшади.

ТЕЖАМКОРЛИК ВА ИҚТИСОД ҚИЛИШ ЖАМОАТ КЎРИГИ

ТЕХНИКАГА МУНОСАБАТ ШУМИ?

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ВА СИРДАРЁ ОБЛАСТЬ ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИНИНГ ҚЎШМА РЕЙДИ

Сирдарё область меҳнаткашлари юбилей йилининг бўлажак мўл ҳосилига пухта замин яратмоқдалар. Далаларда ремонт устахоналари ва машина-трактор парклари да иш ниҳоятда қизиб кетган. Баъзи механизаторлар далага ўғит чиқариш билан машғул бўлса, бошқалари қишлоқ хўжалик техникасини кўкламги экиш мавсумига тезкорлик билан шайлаб қўймоқдалар. Шуниси қувончлики, бу муҳим иш билан областдаги деярли барча қишлоқ меҳнаткашлари шуғулланмоқда. Баҳорги экишга тайёргарлик партия ташкилотлари, колхоз правлениелари ва совхоз дирекциялари фаолиятида муҳим ўрин олган. Ремонт ишларининг тез ва соз бажарилишини таъминлашда, айниқса, халқ назоратчиларининг роли катта бўляпти. Партия ташкилотлари бу ишни қаттиқ назорат қилиб боришни, рўй бераётган ҳар қандай камчилик ва нуқсонларни тезлик билан аниқлаб, ўз вақтида бартараф этишни назоратчиларга топширган.

Ҳозир Сирдарё области колхоз ва совхозларида оммавий текшириш ва рейдлар ўтказилмоқда. Техникани сақлаш, ремонт қилиш иши умумхалқ назоратидан ўтказиляпти. Текшириш ва рейдларга халқ назоратчилари билан бирга кўплаб мутахассислар, партия ва совет ходимлари, қишлоқ хўжалиги илғорлари ҳам жалб қилинган. Бу текшириш ва рейдлар тежамкорлик ва иқтисод қилиш жамоат кўриги номини олганлигининг ўзиёқ унинг кўлам ва миқёсини кўрсатиб турибди.

Охунбобоев номли совхоз Ховос районидаги илғор хўжаликлардан бири. Совхоз ташкил этилганига кўп бўлгани йўқ. Хўжалик ташкилий даврни бошдан кечираётгани сабабли бу ердаги шароит бошқа хўжаликлардан фарқ қилиши табиий. Ҳозирча совхозда машина, трактор ва бошқа қишлоқ хўжалиги техникасини сақлайдиган намунали парк қурилганича йўқ. Лекин шунга қарамай бу ерда техникани яхши сақлаш ва сифатли ремонтдан чиқариш учун барча имкониятлардан фойдаланилмоқда. Совхознинг ҳамма механизаторлари ва механиклари ана шу ишга сафарбар қилинди. 33 та чопиқ трактори, 34 та сеялка ва кўп миқдордаги чизель, насос, борона, йиғим-терим машиналари сифатли ремонтдан чиқарилиб, яхши сақланмоқда. Рейд бригадаси аъзолари бу хўжаликдаги ташкилий ишларни районда намуна қилиб кўрсатса арзийди, деган хулосага келдилар.

Биз Ховос районидаги барча хўжаликларда техникага муносабат масаласини текширишдан ўтказдик. Афсуски, ҳамма жойда ҳам бу иш Охунбобоев номли совхоздаги каби яхши ташкил этилган деб бўлмайди. Масалан, райондаги йирик ва бақувват хўжаликлардан бири «Фарҳод» совхозида ишчи қучлари етарли ва ҳамма зарур шароитлар борлигига қарамай, техникага нисбатан хўжасизлик кайфияти ҳукм сурмоқда. Аввало шуни айтиш керакки, ўтган йили совхоз мутахассислари трактор, культиватор, пахта йиғим-терими машиналари қувватидан тўла унум билан фойдаланишни таъминламадилар. Қишлоқ хўжалиги машиналари сон жиҳатидан кўплигидан фойдаланиб, бир қанча трактор ва ёрдамчи механизмлар умри бекор ўтказилди. Техника қувватидан фойдаланиш коэффициенти нормадагидан анча кам бўлди. Ҳозир ҳам хўжаликда техникани ремонт қилиш ва сақлаш ишида палапартишлик рўй бермоқда. Бош инженер Т. Муродовнинг айби билан тракторлар, пахта териш ва кўсак чувиш машиналари ГОСТ талаблари асосида кўтариб, тозалаб ва мойлаб қўйилмаган. Ремонт устахонаси ва бўлимлардаги ремонт участкаларида қишлоқ хўжалик машиналари ва механизмлар тартибсиз ҳолда сочилиб ётибди. Культиваторлар, галла ўрадиган комбайнлар ва чизеллар даладан қандай келтирилган бўлса, шу ҳолда қолдирилган. Шуниси ажабланарлики, на совхоз дирекцияси ва на партия ташкилоти халқ назоратчиларининг фаолиятини бу муҳим ишга йўналтирмаётирлар. Уларнинг ремонтчилар сонини кўпайтириш ва тажрибали механизаторларни устахоналарга жўнатиш ҳақидаги таклифи эътиборсиз қолдирилди.

Райондаги Ғанишер Юнусов номли, «Иваново», «Янгиер» совхозларида ҳам техникага нисбатан хўжасизларча муносабат жиддий ташвиш туғдирмоқда.

Рейд қатнашчилари Гулистон райони хўжаликларида ҳам икки хил манзарага дуч келишди. Райондаги «Красная заря» колхозида ҳар йили ҳам техникани эъзозлаб, унинг қувватларидан унумли фойдаланилаётгани сабабли бажарилаётган иш ва етиштирилаётган ҳосил ҳам баракали бўлмоқда. Колхоз техника қувватидан фойдаланиш коэффициенти бўйича районда олдинги ўринларда турибди. Колхоз раиси М. Сафаров ва бош инженер Т. Бегалиев машиналар ремонтини ўз оталиғига олишган. Марказий ремонт устахонасида намунали интизом ўрнатилган. Ремонт қилинган машина ва механизмлар бостирмалар остида мойлаб, кўтариб қўйилибди. Ремонтда 70 дан ортиқ механизаторлар қатнашмоқда. Уларнинг яхши ишлашлари ва ҳордик чиқаришлари учун барча шароитлар яратиб берилмоқда.

Бироқ, шу хўжаликка ён қўшни бўлган Фрунзе номли колхозда бунинг аксини кўрдик. Ремонт устахонасидаги тартибсизлик дарҳол кўзга ташланади. 6 та комбайн ва кўрак терадиган машиналар, 15 та плуг ва насос агрегатлари лойга қоришиб ётибди. Ҳатто ўнта ҳайдов трактори ҳам даладан келтирилганн бўйича қўл теккизилмаган. Пахта териш машиналари эса ғилдираклари эзилиб, муз ичида ётибди. Сўрасак, колхознинг бош инженери Турдиқул Сайдалиев: «Шийпонга ариқдан сув уриб кетибди, кўрмай қолибмиз», — дейди. Колхоз раиси Ўктам Оқмирзаев ва бош агроном Қудрат Усенбоев устахонага камдан-кам, йўллари тушгандагина келишар экан. Бундай эътиборсизлик ва хўжасизликнинг ўзиёқ техникага нисбатан муносабатнинг қандай эканлигини яққол кўрсатиб турибди. Ана шундай бўлгандан кейин хўжаликда ҳар йили ҳам техника қувватидан унумли фойдаланмаётгани, ишларнинг таннархи кўтарилиб кетаётгани, бу эса етиштирилаётган ҳосил ва олинаётган даромадга нечоғли салбий таъсир кўрсатаётганидан ажабланмаса ҳам бўлади.

Рейд қатнашчилари ишга яроқли ва яроқсиз техника, агрегатлар, эҳтиёт қисмлар аралаш-қуралаш бўлиб лойга беланиб ётган устахонада шунингдек 100 тоннадан кўпроқ қимматбаҳо минерал ўғитларнинг сувга ботиб ётганини ҳам кўришди. Ўтказилган йиғилишда бу камчиликлар бирма-бир санаб ўтилди, нуқсонларни тугатиш тадбирлари белгиланди. Халқ назоратчилари иш устида туриб камчиликларни тугатишда қатнашдилар.

Биз, шунингдек, Гулистон районидаги Навоий номли, Карл Маркс номли колхозларда техника ремонти сифатини текширишда, сифатини яхшилашда ҳам зарур чоралар кўрилишига ҳам эришдик. Текшириш якунлари халқ контроли группалари ва комитет йиғилишларида, партия комитетлари мажлисларида муҳокама қилинди. Белгиланган тадбирлар қандай амалга оширилаётгани қаттиқ назорат қилиб борилмоқда.

В. ГУБАЕВ, Сирдарё область қишлоқ хўжалик бошқармасининг техника назорати бўйича катта инспектори, область халқ контроли комитетининг штатсиз инспектори, К. СЕМЁНОВ, область халқ контроли комитетининг инспектори, А. УМАРОВ, «Совет Ўзбекистони» мухбири.

МУЛОҲАЗА ВА МУНОЗАРА

ҲУҚУҚ ТАРБИЯСИ

Аҳолини, айниқса, ёшларни ҳуқуқий тарбиялашни такомиллаштириш ишига ҳозирги вақтда алоҳида эътибор билан қаралмоқда. Бу ишнинг муҳимлиги КПСС XXV съезди тарихий қарорларидан келиб чиқади. Партиямиз съездида, унинг қарорларида ҳозирги замон шароитида меҳнаткашларни ахлоқий жиҳатдан тарбиялашнинг роли ва аҳамияти алоҳида таъкидланган. «Жамиятимиз ўз тараққиётида нақадар баланд кўтарилса, социалистик ахлоқ нормаларидан четга чиқиш борасида ҳануз учраётган ҳоллар, айниқса, тоқат қилиб бўлмайдиган бўлиб қолади»—деган эди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев партия XXV съездида қилган Ҳисобот докладида. Ана шундай ҳолларнинг олдини олишда аҳолига ҳуқуқ билимларини ўргатиш, меҳнаткашларни совет қонунчилигининг асосий қоидалари билан таништириш ва уларни қонунларга қатъий риоя қилиш руҳида тарбиялаш муҳим роль ўйнайди. Умумтаълим мактабларида, ўрта махсус ва олий ўқув юртларида «Совет ҳуқуқи асослари» махсус курсининг киритилиши худди ана шу мақсадни кўзда тутади.

Маълумки, турли ўқув юртларида бу курсни ўрганишнинг вазифалари ҳам турличадир. Умумтаълим мактабларида совет ҳуқуқи асосларини ўқитиш асосан тарбиявий мақсадларга қаратилган бўлиб, унинг асосий вазифаси ҳуқуқ билимлари маълум комплекси ўқувчилар томонидан ўзлаштирилишини таъминлаш, уларда социалистик ҳуқуқ тўғрисида тушунча ҳосил қилишдир. Бу эса ёшларимизнинг жамиятимизда ўрнатилган ахлоқ-одоб қоидаларига риоя қилишини таъмин этишин кўзда тутади.

Олий ўқув юртларида ва техникумларда бу курсни ўрганиш тарбиявий аҳамиятини тўла сақлаб қолган ҳолда яна бошқа мақсадларга ҳам қаратилгандир. Чунончи, бўлажак мутахассисни унинг амалий фаолиятида зарур бўладиган ҳуқуқ билимлари минимуми билан қуроллантириш кўзда тутилади. Буларнинг ҳаммаси ушбу курснинг ўқув программасида ва ўқитиш методикасида ўз ифодасини топмоғи керак.

Хусусан, ўқитиш жараёнида ўқув юртининг ўзига хос томонларини ҳисобга олмоқ лозим. Масалан, ишлаб чиқаришнинг бўлажак командирлари тайёрланадиган олий ўқув юртларида меҳнат ва хўжалик ҳуқуқи нормаларини ўрганишга кўпроқ эътибор берилса, медицина ўқув юртларида медицина фаолиятининг ҳуқуқий томонларига эътибор бермоқ керак. Шунинг учун ҳам биз ҳозирги вақтда мактаблар, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари учун уларнинг ўзига хос хусусиятини ҳисобга олган ҳолда «Совет ҳуқуқи асослари» курсининг янги программасини ишлаб чиқишни зарур деб ҳисоблаймиз. Бундай программа Тошкент Давлат университети юридик факультети олимлари томонидан бошқа ўқув юртларида ана шу курс бўйича лекция ўқувчилар билан ҳамкорликда яратилиши мумкин.

Тошкент Давлат университети факультетларида совет ҳуқуқи асосларини юридик факультет ўқитувчилари олиб бормоқдалар. Бу ерда янги курсга катта аҳамият бериляпти. Курсни студентлар яхши ўзлаштиришлари ва шу тарика ҳуқуқий маданиятини оширишлари учун уларда қонунларга ҳурмат ҳиссини тарбиялаш борасида анчагина ишлар қилинди. Бу масалалар факультет ҳамда мазкур предметни ўқитиш топширилган кафедра раҳбарларининг диққат марказида турибди. Бироқ, курсни ўқитиш тўла такомиллаштирилди, деб бўлмайди. Университет доирасида ҳам совет ҳуқуқи асосларини ўқитиш турли табиий ва ижтимоий факультетларда табақалаштирилиши лозим. Масалан, психология бўлимида ҳуқуқнинг социал-психологик проблемаларига кўпроқ эътибор берилса, журналистика факультетида эса матбуотда ҳуқуқ проблемаларини ёритиш, меҳнаткашларни ҳуқуқий тарбиялашда матбуотнинг роли билан боғлиқ бўлган масалаларга эътиборни қаратиш талаб қилинади. Шундай қилиб, бир қанча илмий, ўқитиш ва методик характердаги масалалар туғиладики, уларни ҳал қилиш ғоят муҳимдир. Бизнинг фикримизча, Тошкент Давлат университети юридик факультети қошида «Совет ҳуқуқи асослари» кафедраси ташкил этилса, бундай масалаларни ҳал этиш осонлашган бўларди. Бундай кафедра республикамиздаги мактабларда, техникумларда ва олий ўқув юртларида совет ҳуқуқи асосларини ўқитишнинг илмий ҳамда методик маркази бўлиб қолиши мумкин. Кафедрада курс бўйича ўқув ва методик қўлланмалар тайёрлаш, бошқа ўқув юртларидаги совет ҳуқуқи асослари ўқитувчиларининг малакасини ошириш мумкин бўларди.

Бизнингча, матбуотда баён этилган совет ҳуқуқи асослари курсини ўрганишга ажратиладиган вақтни кўпайтириш тўғрисидаги таклифларни қувватламоқ керак. Ҳақиқатан ҳам ҳозирги вақтда ажратилган 30-40 соат бу курсни пухта ўзлаштириш учун етарли эмас. Чунки курс жуда кўп хилма-хил ва мураккаб масалаларни ўз ичига олади.

Ҳозирги вақтда совет ҳуқуқи асослари лекция ўқиш йўли билан ўргатилмоқда. Ўқитишнинг семинар, контроль иш ва курс иши каби актив формаларидан фойдаланиш тўғрисида ҳам ўйлаб кўриш пайти келди. Айниқса, студентларнинг бўлажак амалий фаолияти билан боғлиқ бўлган темалар юзасидан ана шундай машғулотлар ўтказиш мақсадга мувофиқдир. «Одам учун зарур бўлган билимлар ҳажми кескин равишда тез ошиб бораётган ҳозирги шароитда, — деган эди ўртоқ Л. И. Брежнев, — фактларнинг муайян мазмунини ўзлаштиришни асосий вазифа қилиб олишнинг ўзи энди кифоя қилмай қолди. Ўз билимларини мустақил равишда тўлдира бориш, илмий ва сиёсий информацияннинг тез кўпайиб бораётган оқими орасида йўл топиб ола билиш маҳоратини сингдириш муҳим вазифадир». Бинобарин, ўқитишнинг актив методларидан фойдаланиш студентларда норматив актларни мустақил тушуниб етиш малакасини ҳосил қилади. Худди шу мақсадда совет ҳуқуқи асосларини ўқитиш вақтида программалаштирилган ўқитиш методидан кенг фойдаланиш мумкин.

Олий ўқув юртларида, техникумлар ва мактабларда совет ҳуқуқи ўқув методик кабинетлари тузиш совет ҳуқуқи асосларини ўрганишни яхшилашга ёрдам берган бўлур эди. Шунингдек, совет ҳуқуқи асослари ўқитувчиларининг малакасини ошириш факультети очиш тўғрисидаги мулоҳазалар ҳам диққатга сазовордир. Биз совет ҳуқуқи асосларини ўқитишнинг айрим масалаларигагина тўхталдик. Бу ҳақда олий ўқув юртлари, техникумлар ва мактабларнинг ўқитувчилари ҳам ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирадилар, деган умиддамиз.

Х. АБДУАЛИЕВ, Тошкент Давлат университети юридик факультети деканининг ўринбосари, доцент.

Б. БЛИНДЕР, доцент.

16 АПРЕЛЬ — КОММУНИСТИК ШАНБАЛИК КУНИ

АНЪАНАЛАРГА САДОҚАТ

Москвадаги илғор корхоналар коллективлари 16 апрелда В. И. Ленин туғилган куннинг 107 йиллиги ва Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги шарафига коммунистик шанбалик ўтказиш ташаббусини бошлағанликлари ҳақидаги хушхабар ҳаммамизни ҳаяжонлантириб юборди.

Утган йилги иш натижалари бўйича СССР Йўллар министрлиги ва темир йўл ходимлари касаба союзи марказий комитетининг қўчма Қизил байроғини қўлга киритган 1-Бухоро станцияси ходимлари москвалик ҳамкасбларининг ташаббусини қўллаб-қувватламоқдалар. Улар коммунистик шанбалик куни қоятда унумли ишлаб, юксак кўрсаткичларга эришиш тадбирларини амалга оширмоқдалар.

Когон локомотив депосининг машинистлари шанба куни фақат тежаб қолинган ёнилги ҳисобига юк составларини манзилга етказишга қарор қилдилар. Топшириққа қўшимча бир неча тепловоз ремонтдан «аъло» сифат билан чиқарилади.

М. СИНЕВА,

Урта Осиё темир йўли Бухоро бўлинмасининг хизматчиси.

ТЕЖАМКОРЛИК ҲИСОБИГА

Коммунистик шанбалик корхонамиз энергетиклари учун чиннанам меҳнат байрамидир. Шунинг учун ҳам коллективимиз В. И. Ленин туғилган кунининг 107 йиллиги ҳамда Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига москвалик саноатчилар бошлаб берган ташаббусга якдиллик билан қўшилдилар.

Айни пайтда ҳар бир ишчи кўпроқ электр энергия ва иссиқлик энергиясини тежаш учун мусобақани авж олдириб юборди. Наманган шаҳар электр тармоғи монтёри Малиқжон Мамадалиев, электр подстанциялари хизмати монтёри Иброҳим Ботиров, Задарё район электр тармоғи монтёри Норматжон Икромов, Косонсой район электр тармоғи монтёри, республикада хизмат кўрсатган нурчи Абдусалом Еқубов бу ишда ибрат бўлмоқда.

Нурчиларимиз бу йил ланданн ташқари 2 миллион 500 минг киловатт-соат электр энергия иқтисод қиладилар. Қатор корхоналар коммунистик шанбалик куни тежалган электр энергия ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқарадилар.

Р. МУСАЕВ,

Наманган электр тармоқлари корхонасининг директори.

ТАШАББУСГА ҚУШИЛАМИЗ

Ҳар йили апрель ойининг иккинчи ҳафтаси охирида коммунистик шанбаликка чиқиш фабрикамизда анъанага айланган. Одатда биз коммунистик шанбалик куни юксак сифат ва тез суръат билан меҳнат қиламиз. Москвалик саноатчиларнинг ташаббусига қўшилдик.

Буюк доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 107 йиллиги ҳамда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигида нишонланадиган коммунистик шанбалинда корхонамиз чеварлари фақат «аъло» сифатли гиламлар тўқийдилар. «Буюк почин» ворисларидан Амина Раупова, Зулфия Сандова, Ҳалима Омонова ва Матлуба Сандовалар зарбдорларча меҳнат қилиб, кунлик топшириқларни 140—150 процентдан ado этяптилар. Бу фидокор ҳамкасбларим коммунистик шанбалик куни тежалган ҳом ашё, материал ва электр энергия ҳисобига ишлашга аҳд қилдилар. Фабрикамизда уларнинг издошлари тобора кўпаймоқда.

Нозигул АЗИЗОВА,

Нурота гилам тўқиш фабрикаси ишчиси, Узбекистон Компартияси XIX съезди делегати.

ЮБИЛЕЙ ЙИЛИДА ЗАРБДОРЧАСИГА МЕҲНАТ ҚИЛАМИЗ

АНДИЖОН ОБЛАСТЬ ЧОРВАДОРЛАРИНИНГ УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛИШ ЮЗАСИДАН ҚАБУЛ ҚИЛГАН

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Область қишлоқ хўжалик меҳнатчилари КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартияси XIX съезди қарорларини изчиллик билан амалга ошириб, ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг барча тармоқларини ривожлантиришда маълум муваффақиятларни қўлга киритдилар. Область колхоз ва совхозлари планда белгиланган анча кўп миқдорда пахта, дон, сабзавот, мева, гўшт, сут, тухум ва бошқа деҳқончилик ҳамда чорвачилик маҳсулотлари сотдилар.

Область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари эришаётган муваффақиятлар КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг партия аграр сиёсатини оғишмай амалга ошириш юзасидан олиб бораётган катта ташкилотчилик ва сиёсий ишларининг натижасидир.

Партия ва ҳукуматимизнинг ғамхўрликларига жавобан область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари Ватанга янада кўп ва юкори сифатли маҳсулот етказиб беришга ҳаракат қилмоқдалар. Улар КПСС Марказий Комитетининг мамлакатимиздаги барча меҳнаткашларга Мактубини, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ошириш, ўнинчи беш йиллик топшириклари муваффақиятли бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисидаги қарори ҳамда КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги тўғрисидаги қарорини чуқур қонқиш билан кутиб олдилар ҳамда Октябрь байрамини муносиб кутиб олиш учун мусобақани янги куч билан авж олдирмоқдалар. Чорвадорлар ўртасида ҳам план-топшириқларини ошириб бажариш учун бошланган ҳаракат оммавий тус олиб кетди. Ўрток Л. И. Брежневнинг чорвачилик илмий-тадқиқот институти «Красний водопад» экспериментал базасининг сут соғувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. И. Чуднаяга йўллаган мактуби область чорвадорлари томонидан зўр қизиқиш билан кутиб олинди. Андижон область чорвадорлари қашқадарёликларнинг даъватига жавобан юбилей йилида гўшт етиштиришни 13 процент, сут етиштиришни—21, тухум етиштиришни—32, жун етиштиришни 8 процент ошириш мажбуриятини олдилар. Область чорвачилигида маҳсулдор қўйлар салмоқли ўрин тутади. Уни ривожлантиришга катта аҳамият берилди. 1976 йилда қочириш кампанияси уюшқоқлик билан ўтказилди, барча қўй сурувлари озуқа ва қўралар билан таъмин этилган. Хўжаликларда қўйлар сонини кўпайтириш ва уларнинг маҳсулдорлигини ошириш учун яхши замин вужудга келтирилган.

Область чўпонлари ўртасида совлиқлардан қўзи олишни кўпайтириш ва уларни тўлиқ сақлаб қолиш учун социалистик мусобака кенг қулоч ёймоқда. Область колхоз ва совхозларида ўз ишининг устаси бўлган ажойиб қўйчивонлар кўплаб етишиб чиқди. Хўжаобод районидаги «Россия» колхозидан ота-бола Мирзаев, Марҳамат районидаги Свердлов номли колхозидан Юнусали Сотволдиев, Жалолқудук районидаги Ильич номли колхозидан Бек Оллаёров, Кўрғонтепа районидаги «Савай» совхозидан Мамай Маматов, Москва районидаги Свердлов номли колхозидан Корабола Сотволдиев ва бошқалар кўплаб бош чўпонлар ҳар 100 бош совлиқдан йил сайин 130-140 тадан қўзи олиб келмоқдалар. Улар бу йил — юбилей йилида социалистик мусобака ташаббускорлари бўлиб майдонга чиқдилар. Уларнинг ташаббусига тобора кўплаб чўпонлар қўшилмоқдалар. Область бўйича ҳар 100 бош совлиқдан 115 тадан қўзи олинади, камида 60 минг бош қўзи ўстиришга қолдирилади. Қўйларнинг умумий сони 265 минг бошга етказилади.

Областда гўшт етиштириш ресурсларидан тўлиқ фойдаланиш мақсадида чорва моллари ўстириш ва бўрдоқига боқишни ташкил қилишга катта эътибор берилади. Бу йил давлатга 20 минг бош қорамолни гўштга топширамиз ва уларнинг ўртача тирик вазнини 420 килограммга етказамиз. Шунингдек тирик вазни 110 килограммдан 8 минг бош чўчқа, ўртача тирик вазни 50 килограммдан 7 минг бош кўй давлатга гўштга топширилади.

Чорвачиликнинг тез етиладиган тармоқлари — чўчқачилик, паррандачилик, қуёнчилик, асаларичилик ва ҳавзаларида балик боқиш янада ривожлантирилади.

Сут етиштиришни кўпайтириш чорвадорларнинг муҳим вазифасидир. Сигирлар сони шу йилнинг ўзида 34,8 минг бошга етказилади. Ҳар бир сигирдан 2200 килограммга етказиб сут соғиб олинади ёки ўтган йилга нисбатан 6 процент кўпайтирилади. Давлатга сотиладиган биринчи сорт сут миқдори 92 процентга етказилади.

КПСС Марказий Комитети 1976 йил октябрь Пленуми қарорларини амалга ошира бориб, область аҳолисининг шахсий хўжалигидаги чорвачилик ҳам янада ривожлантирилади.

Чорва моллар ва паррандалар сонини кўпайтиришда ва уларнинг маҳсулдорлигини оширишда мустаҳкам ем-хашак базаси асосий негиз бўлиб хизмат қилади. Аралаш озуқабоп экинлар экиш, оралиқ экинлар экиш ва такрорий экишни кенг қўлланиб шу йилнинг ўзида 300 минг тонна дағал хашак, 370 минг тонна ширали озуқа жамғарилади, 200 минг тонна сенаж бостирилади, 10 минг тонна витаминли ўт уни тайёрланади. Ҳар гектар ердан 150 центнердан беда пичани ва 500 центнердан силос учун маккажўхори кўкпояси олинади.

Ҳозир чорвачиликда энг масъулиятли давр, чорва қишловини муваффақиятли якунлаш ва қўйчиликда қўзилатиш кампаниясига тайёргарлик даври бошланди. Чорвачиликни янада ривожлантириш кўп жиҳатдан чорва қишловининг муваффақиятли ўтказилишига боғлиқдир.

Ўнинчи беш йилликнинг иккинчи йили дастлабки кунлариданок катта ғайрат билан меҳнат қилаётган область меҳнаткашлари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги шарафига қабул қилинган социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажаришлари шак-шубҳасиздир.

Социалистик мажбуриятлар Андижон область колхоз ва совхозлар коллективлари йиғилишларида қабул қилинган.

«ҲАММА НАРСАНИ КЎРАДИГАН КЎЗ» ОРБИТАДА

«Салют-5» орбитал илмий станциясидаги янги космик вахта, космонавтлар В. Горбатко билан Ю. Глазков бажаришга киришган экспериментлар ленинградлик олимларнинг диқкат марказида турибди. Шаҳарнинг кўпгина тадқиқот муассасалари космик тадқиқотларга аталган аппаратларни ишлаб чиқишда қатнашмоқда.

— Об-ҳаво прогнози, иқлим қонуниятлари, атроф муҳитни мухофаза қилиш проблемалари билан банд бўлган, биз, мутахассислар учун илмий программанинг инфрақизил нур воситасида ер юзини тадқиқ этиш кўзда тутилган қисми алоҳида қизиқишга сазовордир, — деди А. И. Воейков номли бош геофизик обсерваториянинг директори профессор Е. П. Борисенков.

— Инфрақизил радиометр—қақиқатан ҳам космик обсерваториянинг «Ҳамма нарсани кўрадиган кўзи»дир. Ердаги объектларнинг иссик нурланишларини қайд этаётганда ҳатто тунги қоронғилик ҳам ғов бўлолмайди. Айниқса кўп зонали ясни спектрнинг турли қисмларида олинган шундай суратлар табиатдаги ҳодисаларнинг бутун-бутун комплекслари ва уларнинг характеристикаларини ғоятда пухта ҳал қилиш ва қайд этишга имкон беради. Масалан, сув ва ер юзи температурасини, тупрок типларини, кор ва муз қоплами ёйилишини қайд этишга имкон беради.

Далалардаги қор «кўрпаси»нинг миқдори, бинобарин ҳосилга ғамланган намлик запаслари, денгиз оқимлари ва бошқа табиий ҳодисалар тўғрисида чаққон бериладиган маълумотлар нақадар катта аҳамиятга эга бўлишини тасаввур этиш қийин эмас.

Совет олимлари дистанцион тадқиқотлар учун инфрақизил аппаратлардан фойдаланиш кашшофларидан бири бўлдилар. Масалан, температура режимини ўлчаш мақсадида катта-катта денгиз акваториялари устидан мунтазам равишда учиб туриш совет гидрометеорология хизмати практикасига кирди.

Баъзи об-ҳаво йўлдошлари ҳам шундай автомат аппаратлар билан таъминланган. Орбитал станция бортида космонавтлар бўлганида айниқса қизиқарли объектларни инфрақизил нурда суратга олиш учун имконият туғилади.

Космик «табиат хизмати»ш шундай маълумотларни олишга ва битта мамлакат ёки бир қанча давлатларнинг манфаатдор ташкилотларинигина эмас, шу билан бирга халқаро ташкилотларни ҳам шундай маълумотлар билан таъминлаб туришга имкон беради. Шундай қилиб, орбитал станцияларимиз бортида ўтказилувчи экспериментлар бутун инсоният манфаатларига хизмат қилади.

— Атроф муҳитни мухофаза қилиш ишида космосдан туриб ерни инфрақизил нур воситасида суратга олиш методи айниқса истиқболлидир,—деди Е. П. Борисенков — Совет олимлари ва космонавтлари атмосферанинг вертикал — нур структураси деб аталмиш ҳодисасини биринчи бўлиб кашф этган кишилар эканликлари маълум. Шу ҳодиса атмосфера қанчалик чанг бўлганлиги тўғрисида маълумот айтишга имкон беради. Бу нарса инсон хўжалик фаолиятининг шаҳарлар ўсишининг умуман планета иқлимига, шунингдек айрим индустриал районлар иқлимига кўрсатадиган таъсирини вниқлаш йўлларини очиб беради.

«Салют-5» станциясида бошланган илмий кузатишлар ниҳоятда муҳим тарихий воқеа бўлиб қолади.

(ТАСС мухбири).

ЛЕНИНГРАД.

ПАРРАНДАЧИЛИК ФАБРИКАСИ НЕГА ОҚСАБ ҚОЛДИ?

Шодиқул Шеров кўп йиллардан бери Самарқанд паррандачилик фабрикасида товуқбоқар бўлиб ишлайди. У ҳар йили товуқлардан тухум олиш топшириғини ошириб бажаради, фабрикага қўшимча кўп миқдорда тухум етказиб беради. Ўтган йили унинг меҳнати янада баракали бўлди. Ҳар бир товуқдан топшириқдаги 170 ўрнига 190 тадан тухум олди. Фабрика товуқбоқарлари орасида яхши қўрсаткичларга эришиб, мусобақада ғолиб чиқди.

— Ҳар бир киши касбини улуғласа, вазифасини шараф билан бажарса, — деди Шодиқул Шеров, — ишлаб чиқаришда янги ютуқларни қўлга киритади. Бунга ҳамиша эътибор бераман. Ўзимга биркитилган товуқларни зоотехника талаблари асосида парвариш қиламан, вақтида донлатиб, суғораман. Уларнинг ёшига қараб кун ёруглиги билан таъминлайман. Товуқхонада қиш кунларида ҳам нормал ҳарорат бўлишига эришаман.

Мавлуда Аҳмедова, Тамара Файзуллина, Рафиқа Абдурашидовалар ҳам донгдор товуқбоқар изидан бормоқда. Бултур улар ҳар бир товуқдан 185 тадан ва ундан ошириб тухум олишга муваффақ бўлишди. Лекин фабрикада ана шу илғорлар тажрибасини ёйишга, тухум етиштиришни кўпайтиришга етарли аҳамият берилмаётир. Бултур давлатга тухум ва товуқ гўшти топшириш плани бажарилган бўлса-да, ишнинг айрим соҳаларида жиддий нуксонлар содир бўлди. Пландагидан қарийб икки миллион кам тухум ишлаб чиқарилди.

— Нега бундай бўлди? — сўрадик фабрика раҳбарларидан.

— Товуқлар йилдан-йилга камайиб кетяпти, — жавоб қилди бош зоотехник Жавод Исмоилов.

— Фабрикада инкубация йўқми?

— Бор.

— Бўлмаса, нега товуқлар камаяди?

— ...

Суриштирсак, туппа-тузук инкубация бор экан. Лекин у талабга жавоб бермайди. Фабрика бундан ўн икки йил бурун қурилган. Ушандан буён тўла қувват билан ишламайди. Тухумдан зотдор жўжа очириладиган ва жўжаларни ўстирадиган цех кенгайтирилмаган, қайта реконструкция қилинмаган. Бу муҳим масала эса фабрикада кўп вақтдан бери бош зоотехник бўлиб ишлаган ва кейинги икки йилдан бери директорлик қилаётган Ҳасан Раҳимов, Ўзбекистон ССР паррандачиликни саноатлаштириш бош бошқармаси раҳбарлари эътиборидан четда қолиб келяпти. Жўжалар цехига 1965 йилдан буён бирорта янги асбоб-ускуна ўрнатилмаган. Хусусан, жўжаларни нормал ўстиришга тегишли шароит яратилмаган. Зоотехника қоидаларига асосан ўстиришга қолдирилган жўжалар 6 ойдан сўнг тухумга киради. Жўжа цехи кенгайтирилмаганлиги, замонавий асбоб-ускуналар ўрнатилмаганлиги сабабли фабрикада товуқлар пландагидан анча кам. Ҳозир 200 минг ўрнига 160 минг атрофида товуқ бор.

Жўжалардан зотдор, тухум берадиган товуқлар етиштириш ёмонлиги натижасида аҳвол жиддийлашмоқда. План-топшириқлар барбод этилмоқда. Мана факт: фабрикада ўтган йили январь ойида давлатга 2 миллион 603 минг дона тухум етказиб берилганди. Бу йил эса январь ойида 1 миллион 929 минг дона тухум топширилди. Бу ўтган йилнинг шу муддатидагига нисбатан 700 минг дона камдир. Ўтган йили шу даврда ҳар куни 93 минг дона атрофида тухум олинаётган бўлса ,бу йил бу кўрсаткич, 68 минг донага тушиб қолди.

Шундай йирик фабрикада парранда гўшти етиштиришга иккинчи даражали иш деб қараляпти. Бу соҳада мавжуд имконият ва резерслар ишга солинмаган. Брак қилинган товуқлар, хўрозлар боқиб семиртирилмайди. Жўжа очириш ва ўстириш цехлари бўлишига қарамай, семиртириш цехи шу чоққача ташкил этилган эмас.

Товуқбоқарлар, цехлар ва бригадалар орасида социалистик мусобақа, оммавий-сиёсий ва тарбиявий ишлар қучайтирилмаган. Фабрика қўшни, Ғаллаорол паррандачилик фабрикаси коллективи билан мусобақадош. Ҳар икки коллектив орасида мусобақа шартлари тузилган-у бажарилиши мунтазам текшириб борилмайди. Мажбуриятлар фабрика кўргазма тахтасига ёзиб қўйилган бўлсада, унинг қандай бажарилаётганлиги ҳақида ҳеч гап йўқ. Фабрика партия ташкилотининг секретари А. Тоҳиров, ишчилар комитетининг раиси М. Аваницова ўртоқлар мусобақага юзаки қарамоқдалар.

Фабрика Самарқанд районининг Аҳолик зонасига жойлашган. Самарқанд шаҳридан анча олис Директор Ҳ. Раҳимовдан тортиб бош зоотехник Ж. Исмоилов, бош ветврач Э. Муҳаммадиев, партия ташкилотининг секретари А. Тоҳиров ва бошқа раҳбарлар шаҳарда яшайдилар. Кечки пайтларда улар уйларига кетиб қолишади. Бу масала район партия комитетига, район Совети ижроия комитетига маълум бўлсада, улар «учар» раҳбарларга нисбатан муросасозлик қилиб келмоқдалар.

Туҳум етиштириш ва товуқ гўшти тайёрлаш ҳун тартибидаги энг муҳим вазифа ҳисобланади. Бир дона тухум — 40 грамм гўштнинг ўрнини босади. Ўн дона тухум ярим килограмм гўшт деган сўз. Шундай экан, паррандачилик фабрикаси иши билан жиддий шуғулланиш, унда маҳсулот етиштиришни камайтириш эмас, кескин даражада ошириш тадбирларини кўриш керак.

Л. ЭРГАШЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ҳалқаро воқеалар

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИ

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

ГДР

Аҳолининг меҳнат ва турмуш шароитларини планли равишда яхшилаб бориш — Германия Демократик Республикасининг ҳозирги беш йиллик планидаги асосий вазифалардан биридир. Савдо корхоналари шохобчаларининг кенгайтирилиши бу соҳада муҳим роль ўйнайди.

Ҳозирги вақтда республиканинг шаҳар ва қишлоқларида 90 мингга яқин озиқ-овқат ва рўзғор магазинлари, универмаг ва универсам магазинлар очилган. Йирик «Кауфхалле» универсамлари энг истиқболли савдо корхоналари деб ҳисобланади. Энг зарур молларнинг деярли ҳаммаси сотиладиган бундай магазинлар асосан кўп ниншоотлар қурилган янги районларда барпо этилмоқда. Республикада ўтган йилнинг ўзидагина 50 дан зиёд шундай «савдо фабрикаси» ишга туширилди.

ЮГОСЛАВИЯ

Белграддаги «Телеоптика» заводининг симоб қуйиш цехида ишлаб чиқариш ишчиларнинг соғлигига катта зарар етказар эди. Ҳозир бу цехда меҳнат унумдорлиги ғоят ошган. Боиси, цехда универсал электрон аппарат ўрнатилди, ишчилар бошқа ишлаб чиқариш участкаларига кўчирилди. Эндиликда фақат бир оператор машинани бошқармоқда.

Саноатда техникани янгилаш, электрон ускуналари, лазер мосламаларини ва бошқа янги машиналарни ўрнатиш соҳасида кўрилаётган тадбирлар корхонага юқори малакали мутахассислар тайёрлаш ва қўл меҳнатини қисқартириш учун кенг имконият яратиб беради.

Шу беш йилликда (1976—1980 йиллар) илгари қўл меҳнати билан шуғулланган кўп ишчилар, шунингдек мактабдан корхонага келган йигит ва қизлар ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим комплексларида янги касбларни эгаллайдилар.

ПОЛЬША

«Унитра» электрон саноати заводлари бирлашмаси ишлаб чиқараётган телевизорлар, радиоприёмниклар, электрон соатлар ва бошқа буюмлар харидорларга ғоят манзур бўлиб қолди. Шу бирлашма составига кирган 28 та катта завод ҳар йили юз миллиард злотийликдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаради.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар ва биринчи навбатда Совет Иттифоқи билан кўп томонлама ҳамкорлик туфайли Польша электроникаси тез ривожланиб бормоқда. Совет мутахассисларининг ёрдами билан халқ Польшасида, жумладан рангли телевизорлар чиқариш йўлга қўйилди. Поляк инженерлари ва техниклари Советлар мамлакатининг корхоналарида ўз малакаларини оширдилар. Варшава шаҳри атрофида рангли телевизорлар учун кинескоплар заводи қурилмоқда. (ТАСС).

БЕРЛИН:

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ХАЛҚАРО УЧРАШУВИ

Халқаро хотин-қизлар йилига бағишланган жаҳон конгрессининг (1975 йил) қарокатларини давом эттирувчи комитет мажлиси Германия Демократик Республикасининг пойтахтида ўз ишини тугаллади.

Мажлисда барча қитъалардаги 77 халқаро, маҳаллий ва миллий хотин-қизлар ташкилотларининг вакиллари қатнашди. Учрашув иштирокчилари 1975 йилдаги жаҳон конгрессининг қарорларини бажариш соҳасида қилинган ишларни якунладилар, бундан буён биргаликда бажариладиган тадбирларни белгиладилар. Бу тадбирлар «Ҳуқуқий тенглик, тараққиёт, тинчлик» шиори остида амалга оширилади.

Планетадаги хотин-қизлар ташкилотларининг вакиллари қабул қилинган ахборотда кескинликни юмшатиш йўлида эришилган муваффақиятларга юксак баҳо бердилар, шунингдек куролланиш пойгасини тўхтатиш учун ва куролсизланиш учун, куролсизланишга бағишланган жаҳон конференциясини чақириш учун биргаликда ҳаракат қилиш зарур эканлигини таъкидладилар. Барча давлатларнинг ядро куролини тарқатмаслик, ядро куролидан фойдаланишни тақиқлаш тўғрисидаги шартномани ратификация қилишлари ва халқаро муносабатларда куч ишлатмаслик ҳақидаги жаҳон битимини тузишлари, деб уқтириб ўтилади ҳужжатда, катта аҳамиятга эгадир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг комиссияси хотин-қизларни камситишга барҳам бериш ҳақидаги конвенцияни қабул қилган эди. Мажлис қатнашчилари бу конвенцияни тасдиқладилар. Улар БМТ Бош Ассамблеяси XXX сессиясининг 1979 йилни халқаро болалар йили деб эълон қилиш ҳақидаги ва шунга бағишлаб жаҳон конференциясини ўтказиш тўғрисидаги резолюциясини ҳам кўллаб-кувватладилар. (ТАСС).

БАҒДОД:

САЛМОҚЛИ ҲИССА

Араб Социалистик уйғониш партияси маҳаллий раҳбарлиги бош секретарининг ўринбосари, Революцион қўмондонлик кенгаши раисининг ўринбосари Саддам Ҳусайн бошчилигидаги Ироқ Республикаси партия-ҳукумат делегациясининг СССРга қилган расмий дўстона визити икки давлат ўртасидаги дўстона муносабатларни ва ҳамкорликни ривожлантиришга катта ҳисса қўшди, дейишди мамлакат прогрессив миллий-ватанпарварлик фронти олий комитетининг Ироқ пойтахтида бўлиб ўтган мажлиси қатнашчилари. Улар шу визитга юксак баҳо бердилар. (ТАСС).

КОБУЛ:

М. ДОВУД—АФҒОНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ

Афғонистон Республикасининг буюк мажлиси ўз ишини тамомлади. Депутатлар бир овоздан республиканинг янги конституциясини тасдиқладилар.

Халқ ва давлатнинг асосий мақсадлари, дейилади конституцияда, мустақилликни, миллий суверенитетни ва территориал бутунликни ҳимоя қилишдан, халқ ҳокимиятини амалга оширишдан иборат. Янги конституция меҳнат қилиш, бепул билим олиш ҳуқуқини гарантиялайди.

Янги конституцияга мувофиқ Муҳаммад Довуд олти йил муддатга яқдиллик билан Афғонистон Республикасининг биринчи президенти қилиб сайланди.

Президент давлат бошлиғи бўлиб, конституция ва миллий революция партияси уставининг қоидаларига мувофиқ унинг зиммасига бутун ижроия ҳокимият ва партияга раҳбарлик қилиш юклатилган. Президент ана шу вазифаларни тегишли органлар орқали амалга оширади.

Афғонистон Республикасининг президенти М. Довуд шу лавозимга сайланганидан кейин ўзининг бутун куч ва ғайратини республика тузумини мустаҳкамлаш, афғон халқининг манфаатларини кўзлаб, чуқур иқтисодий ислоҳотлар ўтказиш учун сарфлаяжагини айтди. (ТАСС).

КОЛОМБО:

ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТ БЕКОР ҚИЛИНДИ

Шри Ланка Республикасининг бош министри Сиримаво Бандаранаике мамлакатда фавқулодда ҳолат бекор этилганлигини эълон қилди.

Фавқулодда ҳолат 1971 йилнинг кўклам фаслида сўл экстремистлар группасининг қонуний ҳукуматни ағдариб ташлаш ва ҳокимиятни қўлга олиш йўлидаги уринишлари муносабати билан жорий этилган эди. Бу қарор, деди бош министр, бу йил миллий давлат ассамблеяси (парламент)га ялпи сайлов ўтказилиши муносабати билан қабул қилинди. Сайлов ўтказиладиган кун ҳали белгилаб чиқилган эмас.

Ҳукумат фавқулодда ҳолат тўғрисидаги қарорларга мувофиқ қамоққа олинган барча шахслар, шу жумладан сиёсий маҳбуслар ҳам озод қилинажагини билдирди. Бир қанча вақтли нашрларнинг чоп этилишига, шунингдек илгари тақиқлаб қўйилган айрим сиёсий партияларнинг фаолиятига рухсат берилди. (ТАСС).

ЖЕНЕВА:

ҚУРОЛСИЗЛАНИШ КОМИТЕТИДА

Женевадаги Миллатлар саройида 15 февралда Куролсизланиш комитетининг кўкламги сессияси очилди.

Ядро куроли билан куролланиш пойгасини тўхтатиш, ядро курол-яроғларини қисқартириш, сўнгра тугатиш, ялпи қирғин куролининг янги турларини ва шундай куролнинг янги системаларини тайёрлаш ҳамда ишлаб чиқаришни тақиқлаш, давлатларнинг ҳарбий бюджетларини қисқартириш ва шулар каби жуда муҳим проблемалар сессиянинг диққат марказида турибди.

Биринчи мажлисда сўзга чиққан СССР вакили В. И. Лихачев Совет Иттифоқи тинчлик ва халқаро ҳамкорлик учун, халқлар озодлиги ва мустақиллиги учун олиб бориладиган курашнинг КПСС XXV съездида ишлаб чиқилган программасини фаол амалга ошириш йўлида ўз куч-ғайратини сарфламоқда, деб таъкидлади.

Совет вакили Куролсизланиш комитети олдида турган вазифаларга тўхталиб, Совет Иттифоқининг куролланиш пойгасини тўхтатиш ва куролсизланиш масалаларига доир меморандумининг аҳамиятини уқтириб ўтди. Бу меморандум Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг XXXI сессияси муҳокамасига қўйилган эди.

СССР вакилининг нутқида ядро куроли синовларини ёппасига ва батамом тақиқлаш тадбирини дарҳол амалга ошириш зарур эканлиги қайд қилинди. Совет вакили Бош ассамблеянинг резолюцияларини амалга ошириш зарур, деди. Бу резолюциялар ядро куролига эга бўлган барча давлатларни ядро куроли синовларини ёппасига тақиқлаш ҳақида аҳдномa тузиш максадида ядро куролига эга бўлмаган мамлакатлар иштироки билан музокаралар олиб боришга даъват этади. Куролсизланиш комитети, деб таъкидлади совет вакили, бундай шартномани тайёрлашда самарали роль ўйнай олади.

Совет вакили Комитетни ялпи қирғин куролининг янги турларини ва бундай куролнинг янги системаларини тайёрлаш ҳамда ишлаб чиқаришни тақиқлаш юзасидан сессияда кўрила бошланган проблемаларни тезроқ караб чиқиш ва химиявий куролни тақиқлаш тўғрисидаги конструктив музокараларни давом эттиришга ҳам даъват килди. Совет Иттифоқининг куролсизланиш соҳасида зўр ғайрат билан иш олиб боряётганлиги, деб уқтириб ўтди у, СССР куролланиш пойгасини тўхтатиш ва куролсизланиш учун курашда бурилиш ясалишига эришиш учун астойдил интилаётганлигини исбот этувчи далилдир. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев Тулада сўзлаган нутқида шу хусуида бундай деди: «Бизнинг сиёсатимиз куролланиш соҳасида устунликка эришиш йўли эмас, балки курол-яроғларни қисқартириш, ҳарбий муҳолифликни сусайтириш йўлидир». (ТАСС).

КОПЕНГАГЕН:

ДАНИЯДА ПАРЛАМЕНТ САЙЛОВИ

Копенгагенда Данияда ўтказилган навбатдан ташқари парламент сайловининг дастлабки якунлари эълон қилинди. Бу сайлов натижасида ҳукмрон социал-демократик партиянинг позициялари мустаҳкамланди: партия фолькетингининг янги составида 179 мандатдан 65 тасини олади. (Парламентнинг аввалги составида Дания социал-демократик партияси 53 мандатга эга эди).

Мамлакатда антикоммунистик кампания кучайтириб юборилганига қарамай Дания Коммунистик партияси аввалги депутатлик ўринларини сақлаб қолди. 7 коммунист-депутат фолькетингда меҳнаткашларнинг манфаатларини ҳимоя қилади. Дания Коммунистик партиясидан янгидан сайланган депутатлар орасида партиянинг Раиси К. Есперсен ҳам бор.

Мамлакатнинг «Умумий бозор»да бундан буён қолишига қарши чиқаётган ҳуқуқий иттифоқ партияси Дания парламентида икки йиллик танаффусдан кейин яна ўрин олди. Ҳуқуқий иттифоқ партияси фолькетингнинг янги составида 6 мандатга эга бўлади.

Йирик буржуа венстре партияси ва радикал сўллар партияси сайловда катта мағлубиятга учради. Уларнинг парламентдаги ваколат ўрни икки баравар қисқарди.

Дания Коммунистик партиясининг Раиси К. Есперсен сайлов натижаларини шарҳлаб, коммунистлар меҳнаткашларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ва йирик капиталга қарши курашиш учун бундан буён ҳам парламент минбаридан фойдаланаверадилар, деб таъкидлади. (ТАСС).

УЛУҒ ОКТЯБРГА БАҒИШЛАНАДИ

● ВАРШАВА

Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини байрам қилиш тўғрисида» қарор қабул қилди.

Ҳужжатда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг поляк халқи тақдирига чуқур таъсири, СССР билан ва бошқа социалистик мамлакатлар билан мустаҳкам ҳамкорликнинг социалистик Польшани янада муваффақиятли равишда ривожлантиришдаги жуда катта аҳамияти қайд этилган.

Бизнинг партиямиз, ишчилар синфимиз, бутун поляк халқи Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини ишчилар, Совет Иттифоқидаги дўстларимизга самимий ҳиссиётлар ва қизғин истаклар изҳор этадилар, дейилади қарорда.

● ПРАГА

Бу йил Чехословакия экранларига ўнлаб совет фильмлари чиқарилади. Кинопрокат Прага ташкилоти Улуғ Октябрнинг юбилейи шарафига «Революцион ўзгартишларнинг 60 йили» шиори остида совет фильмларини кўрсатишнинг катта программасини тайёрлади.

Кўрик тўртта тематик бўлимдан: «Революция арафаси давридаги прогрессив анъаналар», «Революциянинг зафарли йўли», «Улуғ Ватан уруши тарихи» ва «Янги жамият қурилиши» бўлимларидан иборат қилиб тузилган. Советлар мамлакати кинематографиясининг олтин фонди бўлиб қолган лентаплар ҳам, шунингдек кейинги даврдаги картиналар ҳам кўрик программасига киритилган. Бу фильмлар совет давлати ривожининг асосий тарихий босқичларини тасвирлайди.

1977 йил ҳам Франция меҳнат аҳли учун енгиллик келтирмайдиган кўринади. Ҳисобларга қараганда аҳолидан олинадиган солиқлар 12,7 процент ортади. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти мамлакатда ишсизлар сони 1,7 миллион кишига етиши мумкин деб мўлжалламоқда. Меҳнаткашларнинг норозилигига қарамай, маъмурлар «ўта иқтисод» сиёсатини кучайтириш ва аҳолининг харид қобилиятини пасайтириш йўлини давом эттириш ниятидан қайтмаяптилар.

Ишдан бўшатиш «касаллиги» савдо шохобчаларига ҳам кенг тарқалди. Жумладан, Париждаги «Бель жарди́ньер» магазини маъмурияти хизматчиларнинг ярмидан кўпини ишдан бўшатди. Бунга норозилик тариқасида хизматчилар иш ташладилар. Магазин витриналарида норозилик плакатлари (суратда) пайдо бўлди.

ТАСС фотохроникаси.

АХБОРОТ

Қишлоқларимиз қиёфаси

Бухоро область Шофиркон районидаги Чандир қишлоғи зилзиладан катта зарар кўрган эди. Бу ерда зилзила оқибатларини тугатишга катта эътибор берилди. Унинчи беш йилликнинг дастлабки йилида кўпгина бинолар қурилиб фойдаланишга топширилди. Улар орасида магазин, чойхона, ошхона, почта, 600 ўринли ўрта мактаб, маиший хизмат уйи бор. Яқинда қишлоқда 200 точкалик автомат телефон станцияси қурилиши ҳам битди. Қад кўтараётган янги бинолар қишлоқ ҳуснини очмоқда.

Н. ЗАРИПОВ,
Ғ. ИСМОИЛОВ.

Янги заводлар

Қарши чўлида яна иккита завод қуриб битказилди. Улардан бири Қарши бинокорлик материаллари конструкцияси комбинати комплексига кирувчи керамзит заводидир. У йилига 165 минг кубометр керамзит-бетон ишлаб чиқаради. Заводнинг битта цехи чўлда қад ростлаётган қурилишларга маҳсулот етказиб бера бошлади. Янги корхоналардан яна бири — темир-бетон буюмлари заводи бўлиб, у йилига 190 минг кубометр темир-бетон буюмлари ишлаб чиқаради. Заводнинг битта цехи ҳозир маҳсулот бера бошлади.

«Каршистройга қарашли 4-механизациялашган кўчма колонна ва 7 та ёрдамчи пудратчи қурилиш ташкилотларининг бинокорлари мазкур заводлар қурилишида ибрат кўрсатиб ишладилар.

Э. ЖУРАЕВ.

Алоқа хизмати яхшиланмоқда

Хоразм область Гурлан районидаги марказида яқинда минг точкалик автомат телефон станцияси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги юбилейига қадар яна 400 точкалик АТС қурилиб, ишга туширилади.

Қ. ИБРОҲИМОВ.

Механизатор бўладилар

«Узсельхозтехника»нинг Хўжайли район бирлашмасида механизаторлар тайёрлайдиган тўрт ойлик курс очилди. Ҳозир бу курсда колхозлардан келган 96 йигит-қиз техника сирларини ўрганмоқдалар. Курс машғулотларини бирлашманинг етук мутахассислари олиб боришаётир.

У. ТУРАЕВ.

Тўртқўл район сиёсий маориф уйи пропагандист ва агитаторларнинг малака ошириш ва тажриба ўрганиш жойи бўлиб қолди. Район партия комитети ходимлари ва сиёсий маориф уйи методист-консультантлари пропагандистлар билан тез-тез суҳбатлар ўтказиб туришмоқда. Бу ерда меҳнаткашларнинг сиёсий ва иқтисодий таълимига доир кутубхона ҳам ишлаб турибди. Суратда: райномнинг агитация ва пропаганда бўлими мудирининг ўринбосари (ўртада) Саъдулла Султонов пропагандистлардан Қурбон Иброҳимов ва Ғиғлжон Жуманиёзовалар билан суҳбатлашмоқда.

Р. Саидов фотоси.

НАВОИЙ ХОТИРАСИ

Алишер Навоий туғилган кунни нишонлаш анъанага айланиб қолди. Ҳар йили шеърият мулкининг султони ҳаёти ва ижодига бағишланган илмий конференция мунтазам ўтказилиб келинмоқда. Яқинда ана шундай анъанавий илмий анжуманнинг йигирма биринчиси Наманган шаҳрида бўлиб ўтди. Конференцияни Узбекистон ССР Фанлар академияси президиуми қошидаги Навоий комитети, А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти, А. Навоий номидаги республика давлат адабиёт музейи ва Ҳамза номидаги Наманган Давлат педагогика институти ҳамкорликда ўтказдилар.

Конференцияни Узбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, атоқли навоийшунос олим Воҳид Зоҳидов кириш сўзи билан очиб, Алишер Навоий ижодининг буюк аҳамияти ҳақида атрофлича тўхталди. Шундан сўнг Наманган область партия комитетининг секретари Т. Рўзибоев сўз олиб, конференция қатнашчиларини область жамоатчилиги ва меҳнаткашлари номидан табриклади. Анжуманда Навоий ижоди ва унинг ўлмас асарлари жаҳон халқлари томонидан кенг ўрганилаётганлиги ва тарғиб қилинаётганлиги ҳақида, гапирилди, шунингдек, «Навоий ва Бобир» мавзуида Узбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Воҳид Абдуллаев қизиқарли доклад қилди.

Илмий анжуманда филология фанлари доктори, профессор, Узбекистон ССР Беруний номидаги Давлат мукофоти лауреати А. Ҳайитметов «Навоийшуносликнинг актуал масалалари», филология фанлари доктори Э. Шодиев «Навоий ва хўжандлик шоирлар», филология фанлари кандидатлари С. Эркинов «Навоий достонларида идеал қаҳрамонлар ифодасининг баъзи масалаларига доир», С. Жамолов «Навоий ижодида пейзаж», С. Ғаниева «Порсо Шамсиев — навоийшунос олим», Ё. Исоқов «Навоий поэтик образларининг характери масаласи», О. Носиров «Томчида қуёш», Д. Рўзиева «XIX аср ўйғур адабиётида Навоий традициялари» каби мавзуларда маъруза қилдилар.

Алишер Навоий ижодига бағишланган илмий конференция қатнашчилари Наманган шаҳрининг тарихий, маданий ёдгорликлари билан танишдилар, Янгиқўрғон районидаги Навоий номли колхозда бўлдилар, шаҳардаги шойи тўқиш комбинатида ва 27, 43-ўрта мактабларга ташриф буюришиб, ишчилар ва ўқувчилар билан учрашдилар. Бу учрашувларга буюк шоирга бўлган иззат-ҳурмат, эъзоз ва меҳр-муҳаббат ажиб руҳ бағишлаб турди.

А. САМАРИДДИНОВ.

БОЛАЛАРНИНГ СЕВИКЛИ ШОИРИ

ҚУДРАТ ҲИКМАТ ТУҒИЛГАН КУННИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА

Қудрат Ҳикмат... Республикамизда бу таниқли ва ёрқин талантли болалар шоирининг азиз номини эшитмаган, унинг қалдирғоч чуғур-чуғуридек қувноқ, оҳангдор, ихчам ва равон шеърларини ўқимаган одам деярли топилмаса керак.

Бошқа ижодкорларга нисбатан олиб қараганда Қудрат Ҳикмат асарлари унча кўп эмас, китоблари ҳам саноқли. Аммо унинг қолдирган шеърлари, эртаклари, достонлари ўзбек совет болалар шериятининг энг яхши намуналари қаторида туради.

Шоирнинг илк ижодий қаламларига устоз Ойбек раҳнамолик қилган, Ғафур Ғулом унинг шеърларини тинглаб, завқланиб «қуйингиз фил билан нортуянинг бўйнидаги қўнғироқдек жаранглайверсин» деб сидқидил ният қилган эди. Қудрат Ҳикматнинг шериятдаги камолини кўрган атоқли шоир Қуддус Муҳаммадий эса унинг ўзига хос шеърларини «болаларимизнинг хусни-жамолидек иссиқ, ёқимтой, ўйноқи, маъно-мазси тўқ, жозибали» деб таъриф этади. Қудрат Ҳикмат болаларнинг дидини, руҳини теран тушунар, шу сабабли уларга бағишланадиган шеърларнинг ҳам ҳажман қисқа, содда, оҳангдор бўлишини хоҳларди. Қудрат Ҳикмат ижодининг ана шундай ярқирок хусусиятлари ундан кейин болалар шериятига кирган талантли ёшларга ибрат намунаси бўлди.

Бугунга келиб, агар шоир ҳаёт бўлганида, 50 ёшга тўлар эди. Афсусларким, бешафқат ўлим бир неча йил бурун ижодининг етук палласига қадам қўйган бир пайтда шоирни орамиздан олиб кетди. Аммо Қудрат Ҳикмат асарлари маънавиятимизнинг мулки бўлиб қолди, унинг ижоди болалар шериятининг ўчмас саҳифаларига айланди. Бугун болаларимиз мактабдан қайтиб «Ўқиш китоби»дан ёд олган Қудрат Ҳикмат шеърларини ёддан ўқиб берганда ҳар биримизнинг хонадонимизда шоир овози қайта тирилади. Унинг шеърлари болалар боғчаларида, мактабларда ўтадиган тантаналарда янгроқ қўшиқ бўлиб саҳо бераверади. Биз эса кичкинтойларимизга шундай гўзал шеириятни инъом этиб қолдиргани учун унинг олдида ҳамиша чуқур бурчдор бўлиб қолаверамиз. Шоир бизнинг ҳамиша ёнимизда, ёдимизда яшайверади.

Ҳурматли газетхон! Қуйида Қудрат Ҳикмат шеърларидан бир нечтасини сизга тақдим этамиз.

МЕНИНГ ВАТАНИМ

Қўндай бепоён,
Бойликларга кон,
Кенг пахта майдон
Менинг Ватаним.

Халқлар эркин, шод,
Ленинчи авлод,
Меҳнат-ла обод
Менинг Ватаним.

Қўш ўроқ-болга,
Бахт этиб совға
Элтади олга
Менинг Ватаним.

Бош нўтарса ёв,
Янчамиз дарров.
Тинчликка гаров
Менинг Ватаним.

ЎЗБЕКИСТОН

Мен яшайман Узбекистонда,
Меҳри доим жўш урар қонда,
Унинг кузи ёздан ҳам гўзал,
Кумуш қиши баҳордан афзал.

Меҳмон бўлиб келинг
Венадан,
Улуғ Волга,
Дон,
ва Невадан,
Бизнинг Тошкент, бахтлар
ўлкаси —
Москванинг кичик укаси.

Отам билан кўрдик Бенобод,
Қудратидан шонли эл обод,
Домналарда эриб металлар,
Ҳосил бўлар ундан деталлар.

Фабрикамиз дуглари чексиз,
Санолмаймиз, бир йўла,
чексиз
Бу ўлканинг сероб конлари
Елдек учар юк вагонлари.

Биласизми тағин шу ҳақда:
Кўйлагингиз асли оқ пахта,
У етилган кенг даламизда
Халқ бахти бор ҳар
толамизда,

Узумимиз хилма-хил, бўлиқ,
Асал каби шарбатга тўлиқ,
Дўстлар келинг,
Тотинглар мана,
Меҳмон этиб, шодланай яна.

«БУТУН ҲОКИМИЯТ —СОВЕТЛАРГА!»

Зулмга қарши халқ қурол
олди,
Яшин каби шу сўз
тарқалди —
Чет-четларга:
«Бутун ҳокимият —
Советларга»

Қўпорилди капитал тахти,
Петроград эрклик пойтахти.
Яша деб энди
Россияда инқилоб енгди.

Тинчлик учун қўл ғўйди
Ильич,
Янги дунё қалбида севинч.
Обод ҳар тараф,
Партияга бўлсин шон-шараф!

ОНА ОРЗУСИ

Она эрталаб,
Уғлин эркалаб
Дер: — Янги олам
Бизнини болам,
Тезроқ катта бўл!
Аканг комсомол
Улғайди ишда,
Зўр қурилишда,
Инженер Ҳамдам
Сингари сен ҳам
Ўқиб астойдил
Халққа хизмат қил!

Қудрат ҲИКМАТ

СОҒЛОМ БЎЛАЙ ДЕСАНГИЗ

ШИФОКОР МАСЛАҲАТИ

Ошқозон инсон организмидаги энг муҳим ва мураккаб аъзолардан биридир. Унинг киши учун қанчалик зарур эканлигини таърифлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Ошқозон — инсоннинг ҳаёт кечириш манбаи, бутун организмни ҳаётбахш куч-қувват билан таъминловчи марказ.

Ошқозон мускулли органдир. Унинг шиллиқ, мускул, сероз қаватлардан иборат бўлган девори истеъмол қилинган овқат ва ичимликни пастки ҳазм қилиш аъзолари томон суриш, уларни майдалаш ва аралаштириш вазифасини адо этади.

Унинг шиллиқ қаватида пепсин ферментлари, хлорид кислота ва шиллиқ ажратувчи безлар жойлашган. Бу безлар энг муҳим вазифа — ошқозон ширасини ишлаб чиқариш вазифасини адо этади. Ҳолбуки, киши организмининг ҳазм қилиш қобилияти нормал бўлиши учун бир кеча-кундузда 1,5-2 литр ана шундай суюқлик лозим. Ошқозонда ажралган пепсин ферменти овқат таркибидаги оқсилларни парчалашга хизмат қилса, хлорид кислота тўқималарга таъсир этиб, уларнинг йўғон ичакда ҳазм қилинишига ёрдам беради ҳамда овқат билан тушган микробларни ўлдиради. Махсус ҳужайралар томонидан ишлаб чиқариладиган шиллиқ эса ошқозон шиллиқ пардасини турли таъсирлардан муҳофаза қилиш вазифасини ўтайди.

Умуман ошқозон истеъмол қилинган таомнинг сифатига қараб, 3-4 соат мобайнида тамомила бўшайди. Гўшт, ёғ моддалари унда узоқ сақланганидан ҳолда сут, сув жуда тез ўтиб кетади. Спиртли ичимликлар эса қисқа вақт ичида сўрилади ва қонга ўтади.

Ошқозон касалликлари орасида энг кўп учрайдиган ошқозон шиллиқ қаватининг яллиғланиши ва деворларда яра пайдо бўлишидир. Яллиғланиш касаллиги тиббиётда гастрит деб номланади. Гастрит вақтида даволанмаса, бора-бора ошқозон ярасига айланиши мумкин.

Бу касалликларнинг келиб чиқишига кўпроқ сабаб бўладиган нарса овқатланиш режимини ушламасликдир. Халқимизда «тегирмонни сув бузади» деган гап бор. Таомларни ортиқча истеъмол қилиш, спиртли ичимликларни кўп ичиш, туҳум, сут, балиқ сингари бир неча хил таомларни пала-партиш, аралаш-қуралаш еёиш туфайли бетоблик келиб чиқади. Ўз вақтида овқатланмаслик, ҳаддан ташқари иссиқ ва совуқ таомларни сёиш, туриб қолган эски ичимлик ва овқатларни истеъмол қилиш ҳам ошқозоннинг оғришига олиб келиши мумкин. Бу ўринда тишларнинг бутун бўлиши ҳам аҳамиятга эга. Бир сўз билан айтганда, ошқозоннинг нормал фаолиятини бузиш унинг оғришига йўл очиб бериш демакдир.

Ошқозон касаллиги ўзини тез фош этади. Унга чалинган кишида кўнгил айнаши, иштаҳанинг бўғилиши ёки йўқолиши, оғизда таъмнинг бузилиши аломатлари рўй беради. Вақти-вақти билан, баъзан эса сурункасига қорин оғриғи безовта қилади. Гоҳ-гоҳида қайд қилиш, эрта билан наҳорда оғиз бўшлиғида сўлак ажралишининг кўпайиши кузатилади.

Бу дардга чалинган кишини даволаш парҳездан бошланади, нерв системасини мустаҳкамлаш ҳақида қайғурилади. Овқат сифатли, юмшоқ, яхши етилиб пишган бўлиши лозим. Ўткир зиравор солинган таомлар истеъмол қилиш ман этилади. Шунингдек, қора нон, тузланган карам, қаттиқ, нордон мевалар, ортиқча миқдорда гўшт еёиш ярамайди. Бу ҳолда ошқозонда ажраладиган хлорид кислотасининг миқдори ортиб кетади ва ошқозонни емириб юбориши мумкин.

Меъда касаллиги билан оғриган киши спиртли ичимликлар ичишга тамомила барҳам бериши, чекиши эса иложи борича ташлаши лозим. Уларга шиғ-ғурунч, манная крупадан қилинган таомлар, оқ нон, картошка ва сабзавотли пюре, сут, сузма, сарёғ еёиш буюрилади. Сурункали гастритга учраган беморларга ошқозон кислотасининг баланд-пастлигига қараб Боржоми, Славянка, Тошкент, Ессентуки, Арарат, Ижевск сувлари тавсия этилади. Шифобахш сувларни овқатдан олдин илиқ ҳолда ҳўплаб-ҳўплаб ичиш маъқул.

Халқимиз ўртасида ошқозон касаллиги ҳақида асосли-асоссиз гаплар юради. «Гастрити бўлмаган киши борми» деб беморларга далда берадиганлар топилиб туради. Бу дардни даволаш хусусида ҳам билар-билмас аҳли ўргатувчилар йўқ эмас. Касалликка бепарволик киши учун ўзига-ўзи ўқ узиш билан баравар. Бетобликнинг сабабини обдон аниқламай туриб, ўзбилармонлик билан даволанишга киришиш эса ниҳоятда хавотирлидир. Аввало касаллик ҳамма беморларда ҳам бир хил кечавермайди. Қолаверса, ошқозоннинг қайси ери оғриғани, бетоблик қай даражада эканлиги, меъданинг ҳазм қилиш қуввати кучли-кучсизлиги даволанишда инобатга олиниши зарур бўлган муҳим сифатлардир. Шу сабабли тез-тез оғиздан эшитилган «тажриба» бўйича ўзини даволашга ҳаракат қилиб, оғирлашиб қолган, касални анча кучайтириб юборган кишиларга рўбарў келиб турамиз.

Партия ва ҳукуматимиз инсон саломатлиги ҳақида, хусусан медицина ҳақида тинмай ғамхўрлик қилиб келмоқда. Бу соҳада жуда катта маблағ сарфланаётганлиги, йил сайин янги-янги касалхоналар қурилаётгани, юзлаб малакали мутахассислар тайёрланаётганлиги гувоҳимиз. Ҳозирги кунда шифохона ва поликлиникалар ошқозон касалликларини аниқлаш ва уни даволаш учун барча зарур имкониятларга эга. Унинг келиб чиқиши ва ривожланиши ҳам атрофлича ўрганилган. Шунинг учун ҳам бу дардга чалинган киши ҳеч иккиланмай дарҳол врачга мурожаат этиши керак. Шунда у касалликни тез енгиши, қисқа фурсатдаёқ даволаниб, ундан фориғ бўлиб кетиши мумкин.

Ҳ. ОРИПОВ,
Тошкент Давлат медицина институти ассистенти, медицина фанлари кандидати.

БОЛЬШОЙ ТЕАТРГА ТИНЧЛИК МУКОФОТИ

16 февралда ССР Иттифоқи Большой театрига маданият соҳасидаги Тинчлик мукофоти топширилди. Шухрат қозонган коллектив Жаҳон Тинчлик Кенгашининг шу мукофотига халқлар ўртасида тинчлик, дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга кўмаклашувчи ғоят буюк классик ва замонавий санъат намуналарини яратишдаги хизматлари учун ҳамда театр ташкил этилганлигининг 200 йиллиги муносабати билан сазовор бўлди.

Жаҳон Тинчлик Кенгашининг Бош секретари Ромеш Чандра мукофотни тақдим этиб, СССР давлат академик Большой театрининг санъат усталарини самимий мубораксад қилди ва уларга янги ижодий муваффақиятлар тилади. СССР халқ артисти Е. Нестеренко коллектив номидан мукофот учун миннатдорчилик изҳор қилди ва театр артистлари халқлар ўртасида тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлашнинг муҳим воситаси бўлган музика санъатини ривожлантиришга бундан буён ҳам ўзининг бутун кучини бағишлайверади, деб ваъда берди.

(ТАСС мухбири).
МОСКВА.

ЛАЗЗАТ ИЖОДКОРИ

Уста ошпаз — пазанда. «Ўзбек таомлари»нинг муаллифи Карим Маҳмудов бу борада яна бир карра атрофлича фикр юритиб хайрли иш қилди. Унинг «Халқ пазандаси» номли китоби «Узбекистон» нашриётида чоп этилди. Муаллиф бу сафар, ўзининг 60 баҳорини қаршилаб, 40 йилдан бери халқимизга тўкин дастурхон тузаб, лаззатшуносликда беминнат хизмат қилиб келаётган санъаткор пазанда, «Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган савдо ходими», Меҳнат Қизил Байроқ орденли Ориф ака Турсунов билан китобхонларни яқиндан таништирди.

„ОВОЗЛИ ДАРСЛИК"ЛАР

Тошкент грампластинкалар заводи келлективи чиқариладиган ўқув қўлланмалари турини янгилади. Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон аҳолисига «Овозли дарсликлар»нинг дастлабки туркуми жўнатилди. Ўз билимини мустақил равишда оширадиган кишиларга юбориладиган янгиликлар рўйхатида адабиёт фонохрестоматияси бор. Унда халқнинг қадимий қўшиқлари, рус ва совет классикларининг асарларидан парчалар, бадиий ўқиш намуналари, санъат ва адабиёт масалалари юзасидан обзорлар бор. Ўқув дискаларининг коллекцияси яқин вақт ичида алгебра, тарих ва бошқа фанларга оид пластинкалар билан тўлдирилади. Тошкент грампластинкалар заводи беш йилликнинг иккинчи йилида қарийб миллион дона «Овозли дарслик»ларни харидорларга жўнатади. (УзТАГ).

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Реклама ва эълонлар

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА

19, 20 ФЕВРАЛДА

Янги спектакль

Ж. ЖАББОРОВ, А. РАҲИМОВ асари — И. АКБАРОВ музикаси

«ЙИЛЛАР ЎТИБ»

(ўжарлар тақдири)
2 парда, 8 кўринишли
музикали, лирик — драматик қисса

Саҳналаштирувчи режиссёр — Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист А. РАҲИМОВ.
Дирижёр — Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Э. ТОШМАТОВ.
Рассом — Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Г. А. ВИЗЕЛЬ.
Режиссёр — Ҳ. ШАРИПОВ.
Балетмейстер — Ш. АҲМЕДОВ.
Концертмейстер — А. Б. МАЛИНА.
Режиссёр ассистенти — Р. МУҲИДДИНОВА.
БИЛЕТЛАР СОТИЛМОҚДА.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА
УЗБЕКИСТОН ССР «БИЛИМЛАР УЙИ»ДА

26—27 ФЕВРАЛДА

1977 ИЛГИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИНИНГ БИРИНЧИ ЧИҚАРИЛИШИ БЎЙИЧА

ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ ЎТКАЗИЛАДИ

ТИРАЖДА «МОСКВИЧ-412», «ЖИГУЛИ-2101», «ЗАПОРОЖЕЦ» АВТОМАШИНАЛАРИ, КУП МИҚДОРДА АРАВАЧАЛИ МОТОЦИКЛЛАР, ХОЛОДИЛЬНИКЛАР, ГИЛАМЛАР, ГИЛАМ ПОЕНДОЗЛАР ҲАМДА ПУЛ ЮТУҚЛАРИ УЙНАЛАДИ.

ЛОТЕРЕЯ БИЛЕТЛАРИНИ СОТИБ ОЛИНГ ВА ЮТУҚЛАР ТИРАЖИДА ҚАТНАШИНГ!



ДАВЛАТ МЕҲНАТ ОМОНАТ КАССАЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА БОШҚАРМАСИ.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 18/II да **Корсар**, 19/II да **Риголетто**, 20/II да **Концерт** (12.00). **Оққуш кўли** (19.00).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 18/II да **Қалби олов** (билетлар сотилган), 19/II да **Келинлар кўзғолони** (билетлар сотилган), 20/II да **Қор маликаси** (кундузи), **Қиёмат қарз** (кечқурун).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 18/II да **Ужарлар**, 19/II да **Йиллар ўтиб**, 20/II да **Гулбаҳор қани?** (кундузи), **Йиллар ўтиб** (кечқурун).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА 18/II да **Беш кунлик нуёв** (17.30), 19/II да **Фақат аҳл сотилмайди** (17.30), 20/II да **Ишқ қурбонлари** (12.00).

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«ГРУЗИЯ ЦИРКИ»** коллективи ҳамда **Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ҳаким ЗАРИПОВ** раҳбарлигидаги **«УЗБЕКИСТОН ЯИГИТЛАРИ»** коллективининг чиқишлари (19.30).

Кино

САНЪАТ САРОЙИ — **Рампа чироқлари** (катта зал, 11, 13.30, 16, 18.30, 20.45), **Кексалар учун эрмак** (кичик зал, 12, 14, 16, 18, 19.45).

Рампа чироқлари — «ҚОЗОГИСТОН» (12, 13, 16, 17, 20.15), «МОСКВА» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45), «НУКУС» (11, 13.30, 16, 18.15, 20.30), «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Эски милтиқ — «ҚОЗОГИСТОН» (11, 15, 18.30, 19.30, 21.15), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

Бахтсиз кишилар — «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Кексалар учун эрмак — «ДРУЖБА» (12, 13.40, 16, 17.40, 19.20, 21.00), «МИР» (тоқ соатларда).

Шайтон қайлиғи — «ТИНЧЛИК» (13, 15, 17, 19, 21.00).

Юлдуз юқорига тушади — «ЯНГИОВОД» (11, 14, 17, 20.00).

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети коллективи совет театрининг атоқли арбоби, Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг директори, Ўзбекистон театр жамияти правлениесининг раиси, СССР Давлат мукофоти ва Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати, СССР халқ артисти

Олим ХУЖАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оиласига чуқур таъзия изҳор қилади.

Республика радиосининг бадиий коллективлари хор артисти И. Комилжонова отаси, СССР халқ артисти, Давлат мукофотининг лауреати

Олим ХУЖАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Совет Ўзбекистони» газета редакцияси коллективи редакция ходими Мунаввара Раҳимовага отаси

Қумри САРИМСОҚОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — **Янгиликлар.** 10.10 — Гимнастика. 10.30 — **Хўрланганлар** (бадиий фильм, 4-серия). 11.30 — Концерт. 12.00 — **Миллионлар ленинча университети.** 16.00 — Ҳужжатли фильм. 16.10 — Муса Жалил ижоди. 16.55 — **Шардаги қизча.** (бадиий фильм). 18.00 — Жилолар. 18.30 — Москва ва москваликлар. 19.00 — **Янгиликлар.** 19.15 — Ўйнаб қўшиқ айтамиз. 19.30 — **«Жасорат».** 20.00 — Фигурали учиш бўйича Европа чемпионати якунларига доир. 21.00 — Бизнинг биография. 1932 йил. 22.00 — — **«Вақт».** 22.30 — Хоккей: «ДУКЛА» (ЧССР). — «КРИЛЬЯ СОВЕТОВ» (Европа чемпионлари кубоги). 00.30 — Янгиликлар.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — **Адабиёт.** 12.00 — **Сакраш ҳуқуқи** (бадиий фильм). 18.30 — Қўғирчоқ фильм. 18.45 — **«Ёшлик».** 19.15 — Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига. Ангрендаги янгиликлар». 19.45 — **«Ахборот».** 20.00 — **Оламга саёҳат.** 21.00 Ахборот. 21.20 — Концерт. 22.00 **«Вақт»** (Москва). 22.30 — Сув ва пахта. «Самарқанд истиқболлари». 22.50 — **Қулфсиз эшик** (бадиий фильм).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05 — Инглиз тили. 19.35 — Ўқитувчилар учун консультация. 20.05 — **«Жонажон диёримиз фотойилномаси».** 20.35 — Янгиликлар. 20.55 — Концерт. 21.25 — Чизма геометрия.

Радио

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Узбекистон телевиденнеси ва радиосининг солистлари ижро этадилар. 9.30 — Опералардан ариялар. 11.15 — **Инсон ва қонун.** 11.30 — Узбек классик куйлари. 12.10 — **«Узбекистан индустриальний».** 13.00 — **Чорва қишловини намунали ўтказамиз.** 13.30 — Иттифоқчи республикалар эстрадаси. 14.00 — Дала ишлари кундалиги. 16.10 — Студентларнинг талабларига биноан концерт. 19.00 — Эл севган шифокорлар. 19.20 — **«Юность Узбекистана».** 20.00 — **Халқаро аҳвол: саволлар ва жавоблар** (Москва). 20.45 — Сўнгги ахборот. 21.15 — Лирик қўшиқлар. 22.00 — Чорвадорлар учун концерт. 22.30 — Халқаро мавзуларда суҳбат. 22.40 — Р. Сафаров. **«Абадият»** радиопьеса.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ — Орган ЦК Компартии Узбекистана Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41 * ТЕЛЕФОНЛАР: Коммутатор — 330249 дан 330258 гача. Эълонлар — 338142

Р — 03198 Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Г. — 41.